

www.mv-vatanparvar.uz

@vatanparvar09@mail.ru

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини сканер қилинг.



ШИЖОАТ СЎЗДА, АМАЛДА

САҲРОДАГИ ОАЗИС

▶▶ (6-7)

2020 йил 11 декабрь, №50 (2905)



8-бетда

ХАР ЛАҲЗАСИ
ҚАДРЛИ МУСОБАҚА



19-бетда

«ЖАСОРАТ»НИНГ
ИРОДАЛИ ҒАЛАБАСИ

● 9 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси йилдаги вазифалар муҳокама юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистонда туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида ривожлантирилмоқда. Қатор фармон ва қарорлар асосида бу соҳадаги шароитлар кенгайтирилмоқда. Хусусан, фуқароларидан юртимизга виза талаб этилмайдиган мамлакатлар сони 9 тадан 86 тага етказилди, 53 та давлат учун «электрон виза» тизими жорий этилди. Туризм учун қийин бўлган жорий йилда соҳадаги субъектлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланди, уларга субсидия ва ссудалар берилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда коронавирус пандемияси шароитида ёндашувларни қайта кўриб чиқиб, мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини тиклаш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Ўза материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН



НАФТА ИЧИДА

- 5** ТАРБИЯЧИ ОФИЦЕРЛАР: ЭНГ ИЛФОР КИМ?
- 10** ШИЖОАТ УЙФОТГАН САЁҲАТ
- 12** САРҲИСОБ ЙИФИЛИШИ
- 14** АРМИЯ СПОРТИ – ЮРТИМИЗ ФАҲРИ

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press

facebook.com/UzArmiya

instagram.com/uzbekistanarmy

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сизларни улуг айём – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Қадрли дўстлар!

Дунё миқёсида авж олган коронавирус пандемияси туфайли бу йил Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмапти. Лекин, шунга қарамасдан, бу байрамнинг руҳи ва шукуҳи қалбларимизда, юракларимизда давом этмоқда. Бу айём юртимизнинг меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Конституциямизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, биз бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ҳамда кенг кўламли ва шиддатли демократик ислохотларни бошладик. Уларнинг ҳуқуқий асосини Конституциямизга 7 марта киритилган ўзгартиришлар, қабул қилинган 5 та кодекс ва 250 га яқин қонунлар ташкил этмоқда.

Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Ана шу улкан салоҳиятга таяниб, халқимиз бугунги кунда мураккаб синовларни мардона енгиб, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт – янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

«Янги Ўзбекистон» деган ибора халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда.

Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган бундай ютуқ ва натижалар барчамизга албатта юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ҳурматли юртдошлар!

«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизим шаклланимоқда.

Ана шундай конституциявий пойдеворга асосланган ушбу тизим дунё шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда турли таҳдид ва синовлар, жумладан, глобал пандемияга қарши курашда, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офатларнинг оқибатларини бар-тараф этишда ўзини тўла оқлади.

Конституциямиз моҳиятига чуқур сингдирилган демократия ва ижтимоий адолатга сadoқат ҳамда инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизимли ва ортга қайтмайдиган демократик ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аввало, Асосий қонунимизда кафолатланган малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш бўйича ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Пандемия даврида аҳоли соғлиғини сақлаш, ишсиз қолган фуқароларга ёрдам беришга, тадбиркорларга биринчи даражали эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 10 триллион сўм фондга эга бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий ин-

фратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Йил давомида 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан зиёд фуқаро учун 34 триллион сўмга яқин имтиёзлар берилди, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва бандликни оширишга 2,6 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Ўтқир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида 13 мингдан зиёд юртдошларимизга янги уйларнинг калити топширилди.

Шу билан бирга, Сардоба туманида офатдан зарар кўрган хонадонлар учун кўп қаватли янги уйлар, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига олган гўзал ва замонавий шаҳарча бунёд этилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган мингдан ортиқ хотин-қизларга уй-жой бўйича бошланғич бадаллар тўлаб берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига киради.

Фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича жадал ишлар давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси пандемия ва унинг оқибатида юзага келган иқтисодий ва ижтимоий инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш имконини бермоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қадрли юртдошлар!

Конституциямизда ўз ифодасини топган адолат принципини амалда таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилмоқда.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан ортиқ оилани қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, ҳар бир хонадондаги аёллар ва ёшларнинг эҳтиёжи, ҳаётий муаммолари аниқланиб, 300 мингга яқин оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан таъминланди.

Энг муҳими, одамларда эркин меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳисобидан камбағалликдан чиқиш тажрибаси ва кўникмаси шаклланимоқда.

Юрт бошига иш тушган оғир кунларда бизнес ҳамжамияти, тадбиркор ва фермерларимиз, меҳр-оқибатли фуқароларимиз иштирокида ташкил этилган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати инсонпарварликнинг яна бир юксак намоёни бўлди. Умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифаларига 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

«Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади» деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилишга мисли кўрилмаган эътибор қаратилмоқда. Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, ёшларнинг, айниқса, қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда **Учинчи Ренессанс** – миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим конституциявий тамойил – инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳаларда, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг тасдиғини кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов

ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилингани, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими **«бир суд – бир инстанция»** тамойили асосида қайта ташкил этилаётганида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда.

Афв институтини қўллаш борасидаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Узоқ вақт фуқароликка эга бўлмайд келган инсонлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқаролари деб ҳис этмоқда. Ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига муносиб жавоб бўлади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ чекловлар бекор қилингани туфайли 40 мингдан ортиқ фуқаро пойтахт минтақасида сотиб олган уй-жойларини ўз номига расмийлаштириш имконига эга бўлди.

Муҳтарам ватандошлар!

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, шу йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган бир қатор глобал ва минтақавий ташаббуслар, аниқ амалий таклифлар халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланганини таъкидлаш ўринлидир.

Октябрь ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

Бу – биз олиб бораётган очиқ ва фаол ташқи сиёсатнинг яна бир катта ютуғи, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳити яхшиланаётгани, туризм ва экспорт салоҳияти юксалиб бораётгани, Халқаро меҳнат ташкилотининг стандарт ва қоидалари ҳаётга фаол татбиқ этилаётгани туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни йил сайин юксалмоқда.

Пандемия ва глобал иқтисодий инқироз сабабли юзага келган турли тўсиқ ва муаммоларга қарамасдан, ташқи алоқаларимиз тўхтаб қолмади. Қўшни ва ҳамкор давлатлар билан сиёсий ва савдо-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги алоқалар узлуксиз давом этмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги фуқароларимизнинг мавжуд муаммоларини тезкор ва ижобий ҳал этиш, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ватанимизга қайтариш борасида бу йил аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани халқимизга яхши маълум. Хусусан, пандемия даврида 500 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин юртдошимизга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Ёлғон ваъдаларга алданиб, мамлакатимиздан чиқиб кетган ва қуролли можаролар





бўлаётган Яқин Шарқ минтақасида оғир кунларни бошидан ўтказаётган фуқароларимиз, асосан аёллар ва болаларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш бўйича инсонпарварлик тадбирлари давом эттирилмоқда.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон фуқаролари ҳаммаша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буён ҳам қатъий амалга оширамиз.**

Хурматли дўстлар!

Кейинги йилларда эришган ижобий натижаларимиз биз кўзлаётган улуғвор мақсадлар йўлидаги дастлабки қадамлар эканини яхши тушунамиз. Бу борада ҳали **олдимизда улкан вазифалар** турибди.

Биринчидан, Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Жумладан, халқимиз манфаатларига, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини ихчамлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортиқча нормаларни камайитириш зарур.

Ушбу вазифаларни бажаришда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўладилар, деб ўйлайман.

Иккинчидан, тараққиёт кушандаси бўлган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Сўнгги икки йилда ноқонуний хатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1 986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу масала нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Мазкур йўналишдаги ишларимизни тизимли ва комплекс давом эттириш учун **2021 – 2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси устида иш олиб бормоқдамиз.**

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб айтман: бу масала биз учун ўта муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки коррупция – бу давлатимизни ич-ичидан емириб, миллий хавфсизлигимизга раҳна соладиган ғоят хатарли таҳдид ва унга қарши мурасасиз кураш олиб бориш – барчамизнинг бурчимиздир.

Учинчидан, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада кучли эътибор қаратишимиз зарур. **«Қонун – устувор, жиноятга – жазо муқаррар»** деган конституциявий тамойилни амалда таъминлаш учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилади.

Тўртинчидан, муҳтарам нуронийларимиз, ҳурматли хотин-қизларимиз, азиз ёшларимизнинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш, хонадон ва маҳалларимизда, ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш биз учун бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

Бешинчидан, сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлигини янада оширамиз.

Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимиз қатори жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгилашни жаранлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш – давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасидир.

Мана шундай эзгу ва шарафли мақсад йўлида кексаю ёш барча ватандошларимиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қиладилар, янги Ўзбекистон бунёдкори бўлиб майдонга чиқадилар, деб ишонаман.

Сизларни Конституция куни байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сизат-саломатлик, оилавий бахт, шахсий ва ижтимоий ҳаётда катта муваффақиятлар тилайман.

Хонадонларимизни, гўзал юртимизни тинчлик-осойишталик, файзу барака асло тарк этмасин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин! Яратганнинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаков ташаббуси билан Давлат хавфсизлик хизмати ва Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида Қуролли Кучлар академиясида онлайн тарзда Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказилди.

Унда Мудофаа вазирлиги марказий маҳкамаси ва ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонликлари, олий ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, муассасалар ва алоҳида қўмондонликларнинг, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тузилмаларининг масъул офицерлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари адлия полковниги Баҳодир Худойбердиев олиб борди.

Видеоконференц-алоқада жорий йилнинг ўтган даврида Мудофаа вазирлиги ва Қоровул қўшинларининг шахсий таркиби ўртасида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги фаолиятлари сарҳисоб қилинди.

Мухокамалар танқидий руҳда ўтди ва:

– жойлардаги санитария-эпидемиология марказлари штат бирликлари ва фаолиятини

таҳлил қилган ҳолда уларнинг кенг ҳажмли вазифаларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва механизмини янада такомиллаштириш;

– ҳарбий хизматчиларни узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари асосида тураржойлар билан таъминлашда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш, бунда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш;

– терговга қадар текширувга доир жиноят-процессуал нормаларни қўллашда бир хил амалиётни йўлга қўйиш;

– ҳуқуқбузарликларни мунтазам таҳлил қилиш орқали жиноятчилик ва қўпол интизомбузарлик ҳолатларининг олдини олиш;

– ҳар бир ҳарбий қисм ва муассасани жиноятдан холи тузилмага айлантириш ҳамда муҳокама қилинган бошқа масалалар бўйича аниқ амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.



Йиғилиш якунида кун тартибида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Адлия полковниги Шухрат ЗОИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокуратураси бўлим бошлиғи

САНА

“ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда таниқли санъаткорлар иштирок этди.

Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривож, фуқароларнинг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган Асосий қонунидир. Шу маънода тинчлигимиз ва осойишталигимиз кафолати бўлган, мамлакатимиз келажагини белгиловчи бу дастурил-амал мустақил юртимизнинг тараққиётида



Баҳром АБДУРАҲИМОВ

ҚУТЛУҒ ШОДИЁНА



муҳим аҳамият касб этаётганига гувоҳимиз. Тадбирни очиб берган мудофаа вазири генерал-майор Баҳодир Қурбонов ўз сўзида Конституциянинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти, унинг ўзлигимизга хос томонлари, мазмун-моҳияти ҳақида гапирар экан, Конституция олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берганлигини, кейинги йилларда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилгани, жумладан, вазирлик тизимида шу кунгача амалга оширилган ислохотларни

эътироф этар экан, эришилган марраларда Конституциянинг ҳаётбахш тамойиллари муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлади. Янги ҳаёт, янги жамият пойдевори бўлган Бош қомусимиз мамлакат қонунчилик тизимига асос солгани, халқимизга озод ва обод ҳаёт, фаровон турмуш эшигини очгани билан қадрли эканини фахр билан эътироф этди.

Тантана кўтаринки руҳда ўтди. Шу кунни бир қатор ҳарбий хизматчилар навбатдаги ҳарбий унвон, I, II, III даражали «Намунали хизматлари учун» кўкрак нишонлари, совғалар ва мудофаа вазирининг эсдалик нишони билан тақдирландилар.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ва бошқа таниқли хонандалар ижросидаги дилтортар куй ва қўшиқлар кечага ўзгача шуқуқ бағишлади.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА

5-модда.

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.



МИЛЛАТНИНГ ЖАСОРАТ ҚЎШИҒИ

“ У шундай қўшиқки, жарангидан шу халқ, шу тупроққа дахлдор бўлган кишиларнинг вужуди жимирлаб кетади. Илк сатридан, ҳар нотасида миллионлаб инсонларнинг юрагида, кўксидаги туйғуларни жўш урдириб, ўрнингдан туриб тинглайсан. Оҳанглариди Ватан сийрати кўз ўнгингда намоён бўлади.



Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан «Улуғ халқ қудрати жўш урган замон!» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда ана шундай ҳаётий фикрлар илгари сурилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг турмуш ўртоғи Ханифа Мустафоева мадҳиямиз матнининг ёзилиш тарихи, бу

даврдан шоирнинг ички кечинмалари хусусида сўзлаб берди.

Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари полковник Ҳусан Ботиров, Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи Махфират Зиқирова давлат мадҳияси заҳматкаш халқимизнинг асрий орзу-мақсадлари акс этган жасорат қўшиғи эканини қайд этди.

Қутлуғ санага бағишланган тадбир шеърхонликка уланиб кетди. Забардаст ижодкор Абдулла Ориповнинг шогирдларидан бири, Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Рустам Мусурмонқул, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Мадина Норчаева устознинг фазилатлари тўғрисида тўхталиб, ўз ижод намуналаридан ўқиб бергани тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ҳилола ҲАМРАЕВА,
Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси
бош мутахассиси



Дилшод РУЗИҚУЛОВ

ТАНЛОВ

ТАРБИЯЧИ ОФИЦЕРЛАР: ЭНГ ИЛҒОР КИМ?

«Мен ғолиб!» шиори остида ўтказиб келинаётган турли мусобақалар, кўрик-танловлар ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама тоблаш баробарида ўзаро тажриба алмашиш имконини бермоқда. «Энг илғор тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицери» кўрик-танловининг взвод, бригада ва батальонлар ўртасида Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтган якуний босқичи ҳам қизғин ва мурасасиз тарзда кечди.



Икки кун давомида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўтказилган беллашув шартларига кўра, иштирокчилар дастлаб маънавий-маърифий, тарбиявий-мафкуравий ҳамда ахлоқий-руҳий тайёргарлик ишларини ташкиллаштириш ҳамда Умумҳарбий низомларга доир тест саволларига жавоб берди. Ҳар бир иштирокчига

90 дақиқа вақт ажратилди. Тактика ва топография фанларидан ўтказилган синовлар Ватан посбонларининг ўз касбининг нечоғли етук мутахассиси эканини амалда исботлади.

Танловнинг жисмоний тайёргарлик шартида 100 ҳамда 3 000 метрга югуриш, турникда тортилиш орқали эпчиллик ва чидамлик каби жисмоний имкониятлар намоён этилди.

– Ушбу анъанавий танлов ўз номи билан чинакам илғор мутахассислар, юксак жанговар тайёргарлик, абжирлик ва маҳорат эгаларини кашф этмоқда, – дейди Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бўлим офицери подполковник Толиб Мирзаев. – Ҳар бир кўшин тури, унинг фаолияти қайси йўналишга қаратилган бўлмасин, аввало, юрт



Муаллиф суратга олган

химояси йўлида ўзига юклатилган вазифани тўлақонли адо этишдан иборат. Мазкур кўрик-танлов ҳам ҳарбий хизматчиларда шундай кўникма ва билимларни янада ривожлантириши шубҳасиз.

Мусобақанинг иккинчи кунда иштирокчилар жанговар тайёргарлик бўйича назарий билимларини синовдан ўтказиш баробарида ўқотар қуроллардан нишонларни беҳато уриш, отиш машини бажарди. Йигитлар зиммасига чалғитувчи ҳамда чап берувчи нишонларни яксон этиш вазифаси юклатилди. Доим изланишда бўлган, касбий малакасини мустаҳкамлаб, жанговар шайлигини ошириб келган юрт ўғлонлари бу шартда ҳам юксак маҳорат эгаси эканини кўрсатди.

Мураккаб машқлар жараёнида абжирлик муҳим аҳамиятга эга. Ана шу хислат талаб этиладиган ҳарбий техникаларни нотўлиқ қисмларга ажратиш ҳамда қайта йиғиш шарти жуда қизиқарли ва мурасасиз курашларга бой бўлди. Якуний натижаларга кўра, ғолиблар мутахассис офицерларнинг касб байрами кунда тақдирланади.

ВИКТОРИНА

Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Зангиота тумани кенгаши билан ҳамкорликда «Конституция – қомусимиз, шўҳратимиз ва шонимиз!» мавзусида интеллектуал викторина ўтказилди.

Беллашувнинг очилиш маросимида институт бошлиғи подполковник Ҳаким Муҳиддинов Бош қомусимизнинг мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб, барча жамоаларга муваффақият тилади. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ривожлантиришга қаратилган ушбу викторинада мезбон жамоанинг «Халқаро инновация», Қуролли Кучлар академиясининг «Консенсус», Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг «Қувноқ десантчилар», Зангиота туманидаги умумтаълим мактаблари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларидан иборат «Зиёлилар», алоқачилар ҳарбий қисмининг «Баркамол авлод» ва Махсус-авария тиклаш бошқармасининг «Алоқачилар» жамоалари ўзаро беллашди.



Дастлабки шартда жамоалар Конституция ва ҳуқуқ соҳасида берилган бешта саволга оғзаки жавоб қайтаришди. Сўнг



МЕЗБОНЛАР МУЗАФФАР

давлат ва ҳуқуқ назариясига доир саволлар орқали иштирокчиларнинг билими синовдан ўтказилди. Охирги шартда эса 25 та саволдан иборат кроссворд ечилди. Иштирокчи жамоаларнинг чиқишларини Давлат хавфсизлик хизмати академияси профессори, юридик фанлари доктори Равшан Ҳакимов, Адлия вазирлиги ходими, адлия катта маслаҳатчиси, Сенат

ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари Шоҳрух Маматқулов, Ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти Кенгаши ҳарбий қисмлардаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ақобир Нуруллаев баҳолаб борди.

Якуний натижаларга кўра, «Халқаро инновация» жамоаси 1-ўринга сазовор бўлди. «Консенсус» жамоаси иккинчи, «Алоқачилар» жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Шимоли-ғарбий ҳарбий округдаги «Нукус» дала-ўқув майдонининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-майор Баҳодир Қурбонов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, ҳудудий ҳарбий-маъмурий сектори раҳбари Мурат Камалов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қахрамон Сариев, Мудофаа вазирлиги ва ҳарбий округ ҳарбий хизматчилари, Қорақалпоғистон Республикасидаги Қуролли Кучлар куч тузилмалари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда фахрийлар иштирок этди.



САҲРОДАГИ ОАЗИС:

ЯНГИЧА ҚИЁФА, ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР

Мудофаа вазири ўз нутқида дала-ўқув майдонининг инфратузилмасини такомиллаштиришда амалга оширилган кўламли ишларга тўхталар экан, мазкур дала-ўқув майдони замонавий талабларга жавоб берадиган халқаро даражадаги полигон бўлгани, эндиликда бу масканда халқаро миқёсдаги армия ўйинларини ҳам ўтказиш имкони борлигини таъкидлаб, бунёдкорлик ишларида амалий кўмак берган Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати раҳбариятига ва қорақалпоқ халқига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Тадбир давомида полигон қурилиши ва қайта таъмирлаш ишларида жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва қурувчи-пудратчи



ташкилот раҳбарлари мудофаа вазири номидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, янги қиёфа касб этган замонавий дала-ўқув майдонининг очилиши муносабати билан Жўқорғи Кенгес раиси номидан полигонга эсдалик сифатида совғалар топширилди.

Барча ҳарбий округларда қўшин турларининг замонавий жанговар тайёргарлик амалиётларини жаҳон стандартлари асосида кенг татбиқ этиш учун ана шундай дала-ўқув майдонлари қайта такомиллаштирилмоқда.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги, Қорақалпоғистон Республикаси ҳарбий-маъмурий сектори кўмаги билан «Нукус» полигонидан 13 та ҳарбий ва ижтимоий объектда тўлиқ капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган.

Полигонда замонавий кўринишда ихчам ва қулай шарт-шароитларга эга бўлган 400 ўринли иккита ётоқхона ва ўқув биноси ҳамда 300 ўринли ошхона янгидан қурилди ва зарур ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминланди.

Шунингдек, полигонда бошқарув пункти, 7 та ўқув синфи, 10 та ўринли тиббиёт пункти ҳамда ҳарбий хизматчилар учун кафетерий қайта қурилди. Махсус бўлинмалар билан жанговар

тайёргарлик машғулотларини реал вазиятга максимал даражада яқинлаштирилган ҳолатда ўтказиш мақсадида разведка бўлинмалари учун яқин жанг олиб бориш шаҳарчаси, мерганлар йўлаги ҳамда тактик ва махсус машқларни бажаришга мўлжалланган кўп қаватли бино қад ростлади.

Ҳарбий хизматчиларнинг жисмонан чиниқиши ҳамда турли спорт ўйинлари билан шуғулланиши учун мини-футбол стадиони, гимнастик шаҳарча, волейбол майдончаси ҳамда рингни ўз ичига олган очик спорт мажмуи барпо этилди.

Жанговар ва ҳарбий техникаларни сақлашга мўлжалланган янги жанговар техникалар парки, радиацион, кимёвий, биологик қуроллардан ҳимояланиш шаҳарчаси, жамоавий руҳий барқарорликни шакллантириш иншоотларида қурилиш ва замонавий андазалар

асосида жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Барча куч ва воситаларни бошқариш, ҳамкорликдаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида замонавий дизайн ва барча қулайликларга эга бўлган 2 қаватли қўмондонлик кузатув минораси қурилди. Ўқ отиш тирлари ҳамда БТР ва танкдан ўқ отиш директрисаси такомиллаштирилди.

Ушбу полигонда Мудофаа вазирлиги қўшинларидан ташқари Давлат хавфсизлик хизмати, Чегара қўшинлари, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлигининг ҳарбийлашган бўлинмалари ҳам назарий билимларини амалда мустаҳкамлаб келмоқда.

Бугунга қадар «Нукус» дала-ўқув майдонида жанговар тайёргарлик дастури бўйича машғулотлар билан тўлиқ шўғулланиш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг яшаши учун замонавий шароит ва имконият етарлича бўлмаган. Эндиликда чўлнинг ўртасида жойлашган «Нукус» полигони саҳродаги «оазис» каби бу ерга янги ҳаёт бағишлаб, эндиликда юрт ҳимоячиларининг жанговар шайлигини янада юксалтиришга катта ҳисса қўша олади.

Тантанали маросим давомида меҳмонлар полигон ҳудудида яратилган қулай шароитлар, янги бино ва ўқув-машқ объектлари билан яқиндан танишди.

Шундан сўнг меҳмонларга эътиборига Шимоли-ғарбий ҳарбий округ, ДХХ Чегара қўшинлари ҳамда Миллий гвардия бўлинмалари иштирокида мажмуавий махсус-тактик ўқуви намойиш этилди.

Ташриф буюрган меҳмонлар эътиборига округ ҳарбий хизматчилари ғоялари асосида яратилган ҳамда хизматда фойдаланишда қўшимча қулайлик яратадиган рационализаторлик ишланмалари кўргазмаси намойиш этилди.



Тадбир сўнгида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти санъаткорлари ҳамда Нукус гарнизони ҳарбий оркестри томонидан концерт дастури ҳавола қилинди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати



ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

ҲАР ЛАҲЗАСИ ҚАДРЛИ МУСОБАҚА

«Фориш» тоғ дала-ўқув майдонида халқ орасида анчайин тилга тушган, кўпчиликни қизиқтирадиган Қуролли Кучлар миқёсидаги «Ўз касбининг устаси» унвони учун мусобақалар якунига етди. «Мен ғолиб!» шиори остида қизғин тарзда ўтказилган ушбу кўриктанлов Мудофаа вазирлиги қўшин турлари, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг назарий ва амалий кўникмаларини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Иштирокчилар отиш тайёргарлиги, тактик вазифага жавоб тайёрлаш, 3 км ва 100 метрга югуриш, турникда тортилиш, техник тайёргарлик, ягона тўсиқлар йўлагидан ўтиш каби қатор вазифалар бўйича беллашдилар. Саралар сараланиб «Энг илғор ҳарбий қисм командири», «Энг илғор батальон командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор гуруҳ командири» ва «Энг илғор сержант» маълум бўлди. Натижалар нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг яқин-

Бир неча кун давом этган мусобақа якунига қадар майдонга тушган ҳарбий хизматчилар бирпас бўлсин, тин олмади. Улар фавқулодда вазиятда дуч келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатга тайёргарлик юзасидан вазифалар бажардилар. Техник тайёргарлик йўналиши ҳам иштирокчиларнинг жанговар ва автомобиль техникаларни шай ҳолатга келтириш борасидаги кўника ва тажрибаларини оширди.



лари учун ҳам қизиқарли эди. Шунинг учун ҳам иштирокчилар ҳар бир лаҳзанинг қадрига етиб, бор ғайрат-шижоатларини ишга солиб, ғолиблик учун интилдилар.



Иштирокчилар фақат жанговар ва жисмоний тайёргарлик жиҳатидангина беллашмадилар. Тест саволларига ҳам жавоб бериб, бошқалардан билим ва кўникмалари қанчалар фарқ қилишини билиб олдилар.

Мутлақ ғолиб бўлган ҳарбий хизматчилар Ватан ҳимоячилари куни тантаналарида тақдирланади.

**Катта лейтенант
Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**



АГАР КЕЛАЖАҚДА БИР КУН «КОШКИ ЭДИ» ДЕБ ҚОЛИШНИ ИСТАМАСАНГ, УЧ НАРСАНИ ТЎҒРИ ТАҢЛА: РАФИҚАНГИ, ИШИНГИ, ДЎСТИНГИ. ЮНУС ЭМРО

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

“ Бу менинг энг севимли китобларимдан бири. Болалик оламимнинг бебаҳо беагаи – «Оқ кема». Сизга ҳам илиндим.

Мактаб кутубхонасининг энг кўп ўқиладиган китобларидан бири. Дастлаб қисса ичидаги эртақни ўқидим. Кейин қиссани ўқиб чиқдим. Енгил тортганман, ниҳоят у оқ кемага сузиб кетди, деб. Ҳозир... Бардошим етмайди, сўнгги саҳифаларини ўқишга.

«Унинг икки эртаги бўларди. Бири ўзиники бўлиб, уни ҳеч ким билмасди. Иккинчисини эса бобоси сўзлаб берганди. Кейин биронтаси ҳам қолмади. Гап шу хусусда». Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссаси ана шундай бошланади. Назаримда тўртта гап билан асар моҳияти очиб берилгандек. Қисса «гап шу хусусда» эканлигидир.

Бугуннинг болалари кўчма дўкон нима эканлигини билишмаса керак. Табиийки, унинг қувончини ҳам ҳис қилмайдилар, улар учун «воқеа» ҳам бўлмайди.

Ўқиймиз: «Уч ҳовлида ёлғиз битта бола бўлиб, у ҳар сафар кўчма дўконни биринчи бўлиб кўрар эди.

– Келяпти! – деб қичқирди у эшик ва деразага қараб чопиб. – Машина-магазин келяпти!

...Бу пайт эркаклардан ҳеч ким йўқ, ҳаммалари эрталабоқ тарқаб кетишган, аёллар уй ишлари билан машғул эди. Бола очик турган эшикларнинг олдидан қўлоқни қоматга келтириб қичқириб ўтди:

– Келди! Машина-магазин келди!

Аёллар типирчилаб қолишди. Яшириб қўйган пулларини топиш учун югуриб қолишди, уйларида отилиб чиққанларича бир-бирларидан ўзиб кетишди. Машина олдига чопишди, ҳатто бувиси уни мақтаб қўйди:

– Кўзи ўткир-да, бизнинг боланинг!

Бола кўчма дўконни ўзи бошлаб келгандай боши осмонга етган эди. Бу хушхабарни уларга у етказгани, бирга ҳовлидан чопиб чиққани, эшиги очик турган автофургон олдидан улар билан тикилишиб турганидан хурсанд эди».

Ҳа, кўчма дўконнинг шунақа қувончлари бўлар эди. Ҳозир кўчма дўкон билан ҳеч кимни ҳайратга сололмайсан. Машина-магазиннинг келиши болани жуда қувонтирди. Бобоси унга портфел сотиб олиб берди.

Ўқиймиз: «Бобо чўнтагини ковлаштириб, яшириб юрган беш сўмликни чиқарди. Кўпдан бери ёнида юрган бўлса керак, ғижимланиб кетибди.

– Ушла, шалпангқулоқ, – сотувчи болага айёронга кўз қисиб портфелни узатди. – Энди ўқишни қотиргин. Хат-саводингни чиқармасанг, бобонг билан мана шу тоғларда абадий қолиб кетасан.

– Ўқийди! Унинг зеҳни ўткир, – қайтимни санаркан, жавоб қилди Мўмин. Кейин янги портфелни авайлаб ушлаб турган набирасига кўз югуртирди-да, уни бағрига босди. – Мана, яхши бўлди. Кузда мактабга борасан, – деб қўйди секингина.

Бобоси қадоқ қўлини боланинг бошига майингина қўйди. Шу дам боланинг томоғига нимадир тикилгандай бўлди ва қотма бобоси

«ОҚ КЕМА»



кийимларининг ўзига таниш ҳиди димоғига урилди. Ундан куруқ пичан ва меҳнаткаш кишининг тер ҳиди келарди. Садоқатли, ишончли, мўтабар киши у. Эҳтимол, ер юзида болани жон-дилидан яхши кўрадиган, ақллилик балосига учраган киши – Мўмин чаққон деб аталган бу чол шундай содда, афандифеъл эди... Хўп, нимаси ёмон буни? Ҳар нима бўлмасин, ўз бобонг бўлгани яхши».

Ҳа, боланинг ҳаётида ягона меҳрибон инсон Мўмин чол эди. Ота-она меҳри нималигини билмай ўсарди болакай. Боланинг ўз олами мавжуд эди. Шу оламда бахтли эди ва бобосининг эртақларига ишониб яшарди, у.

Қисса бошланишидаёқ кишини ўзига оҳанрабо каби тортиб олади. Бу қиссанинг асосий қаҳрамони кичкинтой. Аммо катталар ўқиши керак бўлган китобдир. Уни илк марта ўқиб чиққан кезларимда бола эдим. Боланинг катталарникига ўхшамайдиган мусаффо олами менга таниш эди. Унда тасвирланаётган ҳамма нарса кўрар эдим, ҳатто печакгулларнинг майин ифорини туйрадим...

Ўқиймиз: «...йўл-йўлакай у «чўкиб ётган туя»га гап қотди. У бағрини ерга бериб ётган сарғиш букри тошни шундай деб атарди. ...Унинг харсанг тошида «эгар» ҳам тайёр эди. Ярми оқ, ярми қора бу чавқар тошдаги эгарчада худди отга ўтиргандек ўтирган бўларди. Яна «бўри» деган тош бор – бўрига жуда ўхшаш кўнғир, оқ оралаган, ёлдор ва чўнг пешонали. Бола унинг олдига писиб эмаклаб борарди-да, мўлжалга оларди. Лекин энг севимли тош, бу сув ювиб кетган қирғоқдаги каттакон харсанг «танк» эди. Қараб турсанг «танк» қирғоқдан отилиб чиқади-ю, дарёни шовқин-суронга солиб, тўлқинлантириб, кўпиклантириб, юриб кетадигандек. Яна бошқа – «яхши» ва «ёмон» тошлар, ҳатто «айёр» ва «овсар»лари ҳам бор.

Ўтлар орасида ҳам – «севимли», «ботир», «хуркак» ва «ёвуз» ҳамда бошқа ҳар хиллари мавжуд эди.

Чақиртикан, масалан, – энг биринчи душман. Мана, даладаги печакгуллар, тўғри, улар ҳам ёввойи, шунга қарамай булар энг ақлли ва қувноқ гуллардир. Улар эрталаб қуёшни ҳаммадан ортиқ яйраб қарши олади. Бошқа ўтларга – тонг нима, кун нима, барибир. Печакгуллар эса кун илиши биланоқ кўз очади, кулиб боқади. Олдин бир кўзини, кейин иккинчисини очади, шундан сўнг бағридаги барча гуллар бирин-кетин очила бошлайди. Оқ, оч кўк, бинафша ва яна ҳар хил рангда... Агар уларнинг олдидан сукут сақлаб ўтирсанг, гўё бу гуллар уйқудан уйғониб, алланималар ҳақида шивирлашаётгандек туюлади. Чумолилар ҳам буни сезади. Улар эрталабдан печакгуллар ҳузурига чопиб, қуёш нурларидан кўзларини қисиб, гулларнинг ўзаро нималар ҳақидадир шивирлашаётганига қулоқ солади».

Дарҳақиқат, ёввойи гуллар эрталаблари қуёшни аллақандай қувонч билан қарши оладилар. Диққат билан боқсангиз, уларнинг севинчини, сасини сиз ҳам илғайсиз.

«Бола ёлғиз, жўраларсиз мана шу содда – баёв нарсалар қуршо-вида яшарди».

Боланинг олами... Унинг атрофидаги одамлар... одамлар эди. Мўмин чолдан яқини, меҳрибони йўқ эди, улар орасида. Учта оиланинг ягона боласи бўлса-да. У кўз-қулоқ бўлиши лозим бўлган бузоқ кампирнинг кўйлагини ямлаб ташлади. Айни шу ҳолатни

Ўқиймиз: «Кампир жаврашни қўймасди. У қойиб туриб, чайнаб ташланган кўйлагига тикилиб қаради... Муштини тугиб, тоғ томонга дўлайтирди. Унинг қоқ суяк бўлган жоҳил мушти окуляр олдидан узоқдан дағдаға солиб турарди. «эрмак топдиг ўзингга. Худо кўтарсин кемангни. Ўт тушсин, чўкиб кетсин...»

Бекей хола уни тинчитмоқчи, юпатмоқчи бўлди: «Хафа бўлманг, энажон. Эси йўқ, гўдак ҳали – нима-сидан хафа бўласиз. Бу ерда биронта жўраси йўқ, бир ўзи. Қичқиринг, гўдакни кўрқитишдан нима фойда». Бунга бувининг ҳам жавоби шубҳасиз, аниқ: «Сен менга ўргатма. Сен олдин ўзинг туғиб кўр, болаларни тергашни ўшанда биласан. У нима қилиб тоғда санқиб юрибди? Бузоқни арқонлаб қўйишга вақти йўқ. Тоғда у нимага бунчалик тикилгани-тикилган? Саёқ ота-онасининг йўлигани? Уни тўққанлар турли тарафга қочиб кетишди. Сенга яхши-да, бепушт...»

Қалбларни парчалаб юборадиган сўзлар... Бир-бирининг оғриқли жойига зарба берадиган бадбахт аёллар. Бола шуларнинг орасида яшайди. Ўз олами, орзулари, эртақлари билан. Афсус, эртақлар ҳам тез тамом бўлди.



Бола билан бирга кетди эртақлар. Эртақ қандай тугади?

Ўқиймиз: «Оқ кема узоқлашиб кетди. Унинг трубабини дурбинда ҳам кўриш мумкин бўлмай қолди. Ҳадемай у кўздан йўқолади. Энди болага отасининг кемада сузиши ҳақидаги ўйларига нуқта қўйиш пайти келди. Ҳаммаси яхши бошланган эди, мана, охири унча хуш келмади. У балиққа айланиб, дарёдан кўлга сузишни, оқ кеманинг унга қандай дуч келишини, отаси билан қандай учрашини осонгина тасаввур қиларди. Отасига нималар ҳақида сўзлаб беришни ҳам биларди. Бироқ ишнинг охири юришмади. Чунки қирғоқ ҳам деярли кўриниб қолди. Кема пристан томон йўл олди. Матрослар қирғоққа тушишга ҳозирлана бошлашди. Улар уй-уйига кетишади. Отаси ҳам уйига жўнаши керак. Пристанда уни хотини ва икки боласи кутмоқда. Энди нима қилсин? Отаси билан бораверсинми? У ўзи билан бирга

«Инсон қачон ўзи бўла олади? Инсон тизгинсиз ўй-хаёллари билан ёлғиз қолгандагина ўзига қайтади».

Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун асаридан»

олиб кетармикан? Мабодо олиб кетадиган бўлса, хотини: «Ким бу, қаердан келган, нима кераги бор?» деб қолса-чи. Йўқ, яхшиси, бормагани маъқул...

Оқ кема кўзга элас-элас илашувчи бир нуқтага айланиб, тобора узоқлашиб боради. Қуёш сувга бош қўйди. Кўл юзасидаги кўзни қамаштирувчи оловли бинафшаранг ёғду дурбиндан кўриниб турарди.

Кема кўздан ғойиб бўлди. Шундай қилиб, оқ кема ҳақидаги эртақ ҳам тугади».

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Унинг эртақлари қандай тугашини билишни истасангиз, «Оқ кема»ни ўқинг. Бу қисса бола ҳақида эмас, ИНСОН ҳақида, улкан қалбли митти инсон ҳақидадир.

«Оқ кема» билан жавонингиздаги жавоҳирлар сонини яна биттага кўпайтиринг.



Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ЖАРАЁН

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ТААССУРОТЛАРГА БОЙ

“ Қуйи Чирчиқ туманидаги 35-умумтаълим мактабида ташкил қилинган ҳарбий спорт клубининг бир гуруҳ тарбияланувчилари пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига экскурсия уюштиришди.

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида она юртга садоқат ва фидойилик фазилатларини шакллантириш мақсадидаги саёҳат Амир Темур хиёбонидан бошланди. Буюк аждодимиз, шавкатли саркарда ҳайкали қаршисида сафланган болажонларга ўқитувчи Самандар Абдурахмонов улуғ бобокалонимизнинг ҳаёти, шоҳ сифатида олиб борган фаолияти хусусида сўзлаб берди. Темурийлар тарихи давлат музейи ўқувчиларнинг билимларини янада бойитгани билан қимматли бўлди.

Шу куни ёшлар Қуролли Кучлари давлат музейида ҳам бўлишди. Болажонлар ўзига хос тарихий оламни акс эттирган ушбу музейдаги ҳар бир экспонатни катта қизиқиш билан томоша қилишди, энг асосийси, армия тарихига оид қизиқарли маълумотларга эга бўлишди.

Иродабону САЙДИВАЛИ қизи

ШИЖОАТ УЙФОТГАН САЁҲАТ

“ Тошкент ҳарбий округига қарашли сафарбарлик чақирuvi резерви батальонларидан бирида ҳарбий хизматчиларнинг бир кунлик фаолиятига назар ташланди. Ҳарбий қисмда яратилган шарт-шароитлар, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик машғулоти ўқувчи-ёшлар ҳамроҳлигида кузатиб борилди.



Юртимизда Бош қомусимиз қабул қилинган кун муносабати билан ҳарбий қисм маданият марказида давра суҳбати ташкил этилиб, унда Гулистон ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси адлия катта лейтенанти Алишер Аҳмедов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё тумани Кенгаши раси ўринбосари Сафия Абдулқодирова ҳамда Сирдарё туманининг 3-, 42-умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирок этди.

Қизиқарли кечган тадбирдан сўнг ёшлар ҳарбий қисмдаги жанговар қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар ҳақида бошланғич маълумотларга эга бўлишди. Маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотида эса Амир Темурнинг ҳарбий юришларига оид манбалар, хусусан, «Темур тузуклари», Люсьен Кереннинг «Амир Темур салтанати» асарларининг ғоявий-бадий жиҳатлари ўрганилди.

Ҳарбий қисм электрон кутубхонасида ҳарбий хизматчилар ижтимоий сайтлар орқали юртимиз ва дунё ҳаётида кечаётган ҳарбий, ижтимоий-сиёсий янгиликларни доимий ўқиб боришлари мумкин. Шунингдек, Ziynet порталидаги 6 000 дан ортиқ электрон ва аудио китоблар фойдаланувчилар ихтиёрида.

Бадий кутубхонада эса илмий ва оммабоп, бадий-сиёсий ҳамда газета ва журналлардан ташкил топган 2 000 донадан ортиқ ўқув адабиётлари ва қўлланмалар, нашрлар мавжуд.

Ҳарбий хизматчиларнинг соғлом ҳаёт кечирishларида тиббиёт ходимларининг ҳам ҳиссаси катта. Барча шароитларга эга бўлган тиббиёт пунктида ҳарбий хизматчилар ҳар кунги тиббий

кўриқдан ўтказилиб, зарурий муолажалар олиб борилади.

Навбатдаги ўқув нуқтасида ҳарбий хизматчилар отиш тайёргарлиги машғулотида ўқотар қуролларнинг техник-тактик хусусиятлари, қурол-аслаҳалар эҳтиёт қисмларининг номланиши, уларни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича назарий-амалий сабоқлар олишди.

Кейинги ўқув нуқтамиз ДК-440 фотоэлектрон ўқ отиш тренажери бўлди. Бу ерда ҳарбий хизматчининг синчи ва сергаклиги синовдан ўтказилади. Машғулотлар гуруҳ сардори томонидан баҳолаб борилди ва мерганлар эътироф этилди.

Яна бир муҳим ўқув нуқталаридан бирида, шубҳасиз, жангчининг сабру иродаси имтиҳондан ўтади. Тактик шаҳарчадаги машғулотларда жанг майдонидаги хатти-ҳаракатлар, манёвр усуллари ўргатилади.



– Бундан кўзланган мақсад – ҳарбий хизматчининг жанговар руҳини барқарорлаштиришдан иборат, – дейди взвод командири майор Фирдавсий Қўзиёв. – Жангчи ўз позициясидан ўқ отиб, симли тўсиқлардан ўтади ва кейинги ўқ отиш позициясини эгаллайди. Машқни бажариб бўлгандан сўнг машғулот раҳбарига билдирув беради.

Ўқувчи ёшлар, шунингдек, қуролсиз ҳамда қурол билан саф амалларининг бажарилишига ҳам гувоҳ бўлишди. Шу куни ўнлаб ёш ўғлонларнинг кўнглида ҳарбий ҳаётга бўлган меҳр ошган, она Ватан ҳимоясига бўлган шижоат барқ урган бўлса, ажаб эмас.

Лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ

ҲУҚУҚ

“ Ўзбекистон Конституцияси – жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб, унда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, имон-эътиқоди ва дунёқараши ўз аксини топган. Конституция халқимизнинг тарихда синалган миллий, минтақавий, умуминсоний, умумбашарий қадриятларини ўзида мужассам этган буюк хартиясидир.

ДЕМОКРАТИК ХАРТИЯ

Конституциямиз қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан Қарши ҳарбий прокуратураси томонидан Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари ҳамда ҳарбий қисм ва муассасалар қўмондонликлари билан ҳамкорликда маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Уларда Асосий қонунимиз нормаларининг ҳаётимиздаги ифодаси, Қуролли Кучларимиз ташкил этилиши ҳамда мамлакатимиз мудофааси таъминланишидаги аҳамияти, фуқароларнинг, жумладан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларини рўйбага чиқариш ҳамда ижтимоий ҳимоясини таъминлашдаги ўрни ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Адлия капитани Рустам СОБИРОВ,
Қарши ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

ИСТИҚБОЛНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

“ Тошкент ҳарбий прокуратураси, Бош прокуратура академияси ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамкорлигида Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида Конституциямиз қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Унда Асосий қонунимизнинг яратилиш тарихи, шаклланиш ва ривожланиш динамикаси, қиёсий ҳуқуқий таҳлили, жаҳон конституциялари ичида тутган ўрни, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ва туб ислохотлар моҳиятидаги ҳаётини ифодаси, пандемия даврида инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат принциплари ижросини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида маърузачилар томонидан иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Тадбир байрамона руҳда ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Адлия лейтенанти
Муҳаммадсиддик ОДИЛЖАНОВ,
Тошкент ҳарбий прокуратураси терговчиси

АНЖУМАН

“ Қуролли Кучлар академиясида Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультети томонидан «Замонавий қуролли можароларда қурол-аслаҳаларни жанговар қўллаш муаммолари ва уларни бартараф этиш чоралари» мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилди.



Баҳром АБДУРАҲИМОВ

Майор Гулнара ҲОЖИМУРОВА

ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАРНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР

Курсант ва талабаларнинг ҳарбий-профессонал тайёргарлик даражасини ошириш, уларнинг ижодий фикрлаш, мустақил илмий иш олиб бориш ва қўшинларда ҳарбий-илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қурилиши, замонавий қуролли можароларда жанговар техника ва қурол-яроғларни қўллаш усуллари, бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибалари, жанговар ҳаракатларни олиб боришнинг янги кўринишлари, дунёда вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазият ҳамда замонавий ҳарбий санъат соҳасидаги ютуқларни, шу билан бирга, ҳарбий қурилиш борасида тўплаган тажрибаларимиз ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, дунёда ҳукм сураётган ҳарбий-сиёсий вазият, отиш тайёргарлигини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича хорижий мамлакатлар армияларининг тажрибаси, шаҳар шароитида ўқотар қуроллар ва жанговар техникаларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

АЙЁМ ШУКУҲИ

ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАР ИФОДАСИ

“ Конституция давлатимизни давлат сифатида дунёга танитадиган Асосий қонунимиз саналади.

Унинг қайси моддасини ўқимайлик, инсон манфаатлари биринчи ўринга қўйилганига гувоҳ бўламиз. Ҳа, заминимизда инсон ва унинг манфаатлари қонун билан ҳимояланган. Аслида бундай эҳтиром бизга аجدодлардан меросдир. Масалан, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг шоҳ сифатида олиб борган сиёсати ҳақида ёзилган манбаларда унинг адолатли, саховатпеша ҳукмдор бўлганлиги ҳақида кўплаб мисоллар келтирилган. У бутун ҳаётини инсонларнинг бахт-саодати, мамлакат ободончилиги ва халқ фаровонлиги учун курашга бағишлагани, айниқса, диққатга сазовор. Фикримизни биз учун ноёб дурдона асар ҳисобланган «Темур тузуклари» ҳам тасдиқлайди. Бу тузуклар ўз даврида қонун даражасига кўтарилган. Йиллар ўтди, замонлар ўзгарди. Лекин тузуклар замиридаги одамийлик, инсонпарварлик тамойилларини Асосий қонунимиз давом эттирмоқда. Конституциямиз – давлатимиз мустақиллигининг ёрқин рамзи, кўп миллатли халқимиз хоҳиш-иродасининг қонуний ифодаси. Бугун бу қонун юртимизда амалга оширилаётган

ижтимоий-сиёсий ислохотларда ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Буни жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган принципларнинг ҳаётга татбиқи ўлароқ, биз аجدодларимиз орзу қилган ана шундай тинч-осойишта ва фаровон ҳаётда яшаймиз. Энг асосийси, халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи, юрт тинчлиги, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган кадрятлар билан уйғунликда миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Юртимиз фуқаролари муносиб ҳаёт кечиришининг қонуний асоси бўлган Конституция ҳар биримизнинг ҳаётимизда муҳим ўрин тутди.

Самандар САЙДИВАЛИЕВ,
Тошкент «Темурбеклар мактаби» ўқувчиси

«Қаерда қонун ҳукмрон бўлса, ўша ерда адолат бўлади».

Амир Темур

“ Фавқулудда вазиятлар вазирлиги академиясининг «Маънавият ва маърифат» марказида «Адолат» социал-демократик партияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишланган «Конституция – мамлакат тараққиётининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Унда «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, тарих фанлари доктори Баҳром Абдуҳалимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Таваккал Чориев, Ўзбекистон Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия майори Ботирбек Собиров, Турон академияси академиги, Тошпўлат Матибаев, профессор-ўқитувчилар ва курсантлар, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Меҳмонлар томонидан иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар берилди. Ташкилотчилар томонидан ташкил этилган бадиий, илмий-услубий ва қонунчилигимизга оид китоблар ярмаркаси, Конституциямиз қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишланган қатор шеърлар ҳамда видеолавҳалар намоиши иштирокчиларда катта таассуротлар қолдирди.

Тадбир сўнгида меҳмонлар академия ва сиёсий партия раҳбарияти томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Капитан Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
Фавқулудда вазиятлар вазирлиги академияси ўқитувчиси



МАШҒУЛОТ

Самарқанд шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида курсантлар томонидан кўргазмали машғулот ўтказилди.

КУРСАНТЛАРДАН МАҲОРАТ ДАРСИ



Марказнинг моддий таъминот циклида таҳсил олаётган курсант ошпазлар курсантлар ошхонасида ўз маҳоратини намойиш этди. Бунда уларга стационар шароитда турли таомлар тайёрлаш вазифаси юклатилди. Юрт ўғлонлари овқат, нон пишириш, газак ҳамда ширинликлар тайёрлаш вазифаларини аъло даражада уддалади.

Жумладан, иштирокчилар санитария-гигиена қоидаларига риоя этган ҳолда биринчи таом учун мастава, шўрва, мошхўрда, иккинчи таом учун палов, дўлма, қозонқабоб пишириб, ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этди. Ширмой нон, қатлама, гўштли кулчалар сингари пишириқлар, мевали десерт ва шарбатлар тайёрлашда табиий маҳсулотлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу каби машғулотлар ҳарбий хизматчиларнинг ҳар қандай мураккаб шароитларда ўзига берилган топшириқни ўз вақтида адо этиш ҳамда мутахассислиги бўйича маҳоратларини юксалтиришга хизмат қилади.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Хайрулло ЎЛМАСОВ, марказ пресс-атташеси

САХОВАТ

ИНТЕРНАТ ЎҚУВЧИЛАРИГА ТУҲФА

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбий хизматчилари Чирчиқ шаҳридаги 23-сонли имконияти чекланган болалар учун махсус мактаб-интернатда хайрия тадбирини ўтказди.



Тадбирда билим юрти бошлиғи полковник Ф. Ортиқов болаларга меҳр-эътибор кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири эканини таъкидлади. Шунингдек, ҳудудда таълим олаётган ўқувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли таълим олишини ташкил этиш борасида қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда эзгу ташаббуслар амалга оширилаётгани қайд этилди. Ушбу хайрия тадбири эса айти ташаббусларнинг давоми бўлди.

Билим юрти раҳбарияти болажонларнинг кайфиятига янада кўтаринки руҳ бағишлаш мақсадида уларга «Ғалабанинг калити – билимда» шиори акс эттирилган ўқув қуроллари ва ранг-баранг адабиётлар жамланмасини туҳфа этди. Бир гуруҳ офицер ва курсантларнинг мазкур ташрифи болажонлар қалбига бир олам қувонч улашди. Ушбу кун уларнинг кўнглида унутилмас таассурот қолдирди.



Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЙИҒИНИ

Бош қомусимизнинг 28 йиллиги муносабати билан Қуролли Кучлар давлат музейида Мудофаа вазирлиги Бирлашган касаба уюшмалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Мудофаа вазирлиги масъуллари, касаба уюшмалар қўмитаси аъзолари, фахрийлар, ҳарбий қисм ва ташкилотлар мутасадди вакиллари иштирок этишди. Учрашув байрам шукуҳида ўтиб, унда Бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг жорий йилдаги фаолияти, янги – 2021 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган режалар муҳокама қилинди.

Ўзаро савол-жавоблар, мулоҳазалар сўнггида бир гуруҳ фахрийлар ва фаоллар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

САРҲИСОБ ЙИҒИЛИШИ



59-модда.

Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.



ВОСПОМИНАНИЯ НАКАНУНЕ ПРАЗДНОВАНИЯ 580-ЛЕТИЯ АЛИШЕРА НАВОИ



... г. Москва, 1996 год, Центральный дом писателей России. Торжественно идет программа, посвященная памяти участника Второй мировой войны, легендарной личности татарского писателя Мусы Джалиля. Он, будучи в застенках концлагеря Моабит, написал изумительные, полные патриотизма, непоколебимой стойкости, веры в жизнь поэтические строки, которые вошли в сборник «Моабитская тетрадь». Годы позже эти строки переведены на узбекский язык народным поэтом Узбекистана Мамарасулом Бабаевым, который смог с оригинала донести до узбекского читателя бесмертную работу коллеги по перу.

В зале видные литераторы России, среди которых мастера поэзии – народные писатели России Расул Гамзатов, Сергей Михалков, рядом с ними народный артист дирижер Фуат Мансуров и те, кого знала по книгам, газетным статьям, видела с экрана телевизора.

Обратила внимание на одного из их участников, внимательно присмотревшись, вспомнила лицо, знакомое по фотографиям в печати того времени.

Подошла, представилась, пояснив, что я из Узбекистана.

Глаза собеседника засверкали: «Из страны, которая дала миру Алишера Навои». Внутренний голос мне подсказывал: «Тот самый, который изумительно переводил творческое наследие Алишера Навои? Ассалому-алайкум, домла», – продолжила говорить по-узбекски, которому меня учили мастера сценической речи в театре.

Поэт, услышав узбекскую речь, отвел меня в сторонку, благо завершалась официальная часть, мы сели за крайний столик, чтобы нам никто не мешал.

... рассказ Семена Израилевича Липкина вернул нас в тревожные дни 1941 года: «Я в начале войны находился в рядах 110-й Калмыцкой кавалерийской дивизии и Волжской военной флотилии, в декабре меня вызывают в штаб, приказывают быстро собраться и немедленно выехать в Северную Пальмиру, как называли, да и сегодня так называем мы Санкт-Петербург, город на реке Неве. Я вначале растерялся, немного перепугался даже, не понял причины столь быстрого выезда, приказ командира надо беспрекословно выполнять, собрался, попрощался с товарищами, еле добрался до назначенного пункта. Приехал и ужаснулся в первые же минуты, не было сил свыкнуться с увиденным: голод бродил по осажденному городу, холод замораживал истощенных людей в осажденном, обреченном на страдания городе, который враги считали уже мертвым и обескровленным. Но наяву были все свидетельства о мужественном духе народа, о его несломленной воле, о вечно живом гуманном сердце каждого горожанина, который делал все возможное и невозможное, отстаивая свой родной город. Прибыв в пункт назначения был поражен: меня, это настоящая фантастика, как переводчика гениальных трудов Алишера Навои, пригласили на ... юбилейные торжества по случаю 500-летия узбекского поэта».

Семен Израилевич, минуты два молчал, отпил глоток чая, затем вернулся к воспоминаниям: «10, 12 и 29 декабря я бы назвал настоящим боем, научным подвигом выдающихся литераторов и научных работников в сфере литературы. Осенью и зимой 1941-го года двенадцать бомбоубежищ Эрмитажа населяло две тысячи человек: музейные работники, ученые, деятели искусств, два первых дня проходили в Школьном кабинете Эрмитажа, а 29 декабря научная сессия прошла в

ПРАЗДНИК НАУКИ И ПОЭЗИИ
В ДЕКАБРЕ 1941 ГОДА

Институте востоковедения Академии наук, состоялась чтения в честь великого поэта. Люди, забывая про голод и холод, читали и слушали научные доклады о жизни и творчестве узбекского поэта XV столетия. Запомнились мне выступления выдающихся переводчиков тюркоязычных классиков, востоковедов прошлых лет, многие из которых не дождалась святого дня Победы: Николай Лебедев был очень больной, полуживым от истощения, его внесли в зал, читал большую свою поэтическую подборку, его еле удерживали друзья, позже медленно умирал на своей койке в бомбоубежище, при этом делился планами на будущее, читал новые переводы газелей Алишера Навои, которые были изданы тиражом всего 50 экземпляров к 500-летию Навои в 1941 году. Припоминаю Иосифа Орбели, академика, который открывал научную сессию, он работал в тяжелейшие военные времена директором Эрмитажа, праздновал, как и мы, Победу, отработал до конца пятидесятих годов, а тогда его выступления, как и других ученых произвели на меня незабываемое впечатление. У меня сохранился сборник статей «Алишер Навои», но его в тех условиях не было возможности размножить, вышел он к первой годовщине Победы, в 1946 году, став памятью и одной из важнейших вех в истории изучения жизни и творчества великого поэта Востока, который объединил преданных своему делу людей науки, искусства и литературы, заставил торжествовать музу, когда гремели пушки и только открылась «Дорога жизни» по льду Ладожского озера, а под Москвой потерпел враг первое крупное поражение. Юбилей Алишера Навои отозвалось своеобразной увертюрой известной «Ленинградской симфонии» Дмитрия Шостаковича».

... Все уже разошлись, мы же еще долго говорили о творчестве Алишера Навои, читала, что помнила со студенческой скамьи, Семен ака, я его так стала называть, не взирая на возраст, декламировал в подлиннике строки вселенского поэта, вспомнили фильм «Алишер Навои» режиссера Камиля Ярматова, увидевший большой экран в 1947 году, в главной роли народный артист Узбекистана Раззок Хамраев, который мастерски перевоплотился в образ поэта, успев годом раньше сыграть Ходжу Насреддина в фильме «Похождение Насреддина» режиссера Наби Ганиева. Вспомнили и документальный фильм «Олим Ходжаев» российского режиссера Василия Катаняна, где одним из кульминационным эпизодом стал фрагмент из спектакля «Алишер Навои», образ поэта воплотил народный артист Узбекистана Олим Ходжаев. Спектакль с большим успехом шел в том самом театре, ныне это Национальный узбекский академический драматический театр Узбекистана, где в 1943 году разворачивались действия фильма «Два бойца» режиссера Леонида Лукова, действие которого проходило в блокадном городе на Неве.

Когда мы шли по вечерней Москве Семен Израилевич мечтательно высказал мечту: «Алишер Навои не без гордости писал, что завладевал странами, не посылая войск, достаточно было послать диван – рукописный сборник своих стихотворений. И как бы я хотел каждый день приходить к нему на поклон, беседовать с ним у его памятника в Москве. Это была бы большая награда вечной памяти о великом сыне не только вашего народа, я бы сказал всех народов мира, горд тем, что стал одним из поэтов-переводчиков, кто проложил дорогу поэтических строк Алишера Навои к душе и сердцу других народов».

И он этого дождался: на Садовом кольце в центре Москвы в 2002 году, за год до ухода в бессмертие поэта-переводчика Семена Липкина, был торжественно открыт первый из пяти посвящений, первая работа народного художника Узбекистана скульптора Равшана Миртаджиева памятник поэту Алишеру Навои за рубежом, на постаменте которого пророческие строки поэта:

*«Олам ахли, билингизким,
Иш эмас душманлиғ.
Ёр қилинг бир бирингизким,
Эрур ёрлиғ иш.
Пойимте, люди всей земли!
Вражда – плохое дело.
Живите в дружбе меж собой,
Нет лучшего удела».*

Долгие годы поэт Семен Липкин работал литсотрудником, поэтом в редакции Госиздата, затем произошел исторический, я бы сказала поворот в его судьбе: он стал переводчиком. И сегодня мы обязаны его переводам на русский язык калмыцкого эпоса «Джангар», киргизского

эпоса «Манас», «Шахнаме» Фирдоуси, «Лейла и Меджнун», «Семь планет» Алишера Навои, с именем которого всегда рядом имена поэтов – переводчиков стран мира, среди них и Семен Липкин, который перевел 180 000 строк восточной классики и за одно это его будут вспоминать с благодарностью, человек, который относился к переводам не как к кормушке, а как к полноценной культурной деятельности.

*«Зиҳе ҳуснунг зухуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар билла кавнайи бозорида юз ғавго.
Сени топмоқ баса мушкилдурур, топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо.
Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.
Не ишка бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,
Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайло.
Куёшқа гаҳ қизармоқ, гоҳе сарғармоқ эрур андин
Ки, суньунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.
Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул каби Вомиқ,
Вомиқ Юзингдин гар узори боғида гул очмади Азро.
Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар
Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро.
Жамолинг партавидин шамъ ўти гар гулситон эрмас,
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо.
Малоҳат бирла туздунг сарвақдлар қоматин, яъни
Ки, мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.
Қаноатнинг далилин инзиво қилдинг яна бир ҳам
Далил ушбуки қониҳ ҳарфидин халқ айладинг анқо.
Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гў».*

*Измученный в цепях любви! Таков
Железный звон и стон твоих оков:
Жил человек в стране аравитян,
Возвел его народ в высокий сан.
Он был главою нескольких племен,
И справедливым был его закон.
Он бедным людям, чей удел суров,
Предоставлял гостеприимный кров,
Их ожидал всегда накрытый стол,
Всегда подвешен был его котел,
Весь день, всю ночь пылал его очаг,
Огонь сиял у путника в очаг, —
Сиял он путеводною звездой
Застигнутым пустынной темнотой.
Искусство щедрости его влекло,
И превратил он мудрость в ремесло.
Его стадам подобных в мире нет:
Баранов сосчитать — цыфири нет,
Всех знаков чисел не хватило б нам,
Чтоб счет вести верблюдам и коням.
Но только сына старцу не дал рок,
На горькую печаль его обрек.
Он всем владел, а жаждал одного:
Чтоб милый сын родился у него,
Чтоб не слабела с брэнной жизнью связь, —
И жаждал крепче, старше становясь».*

Перевод Семена Липкина, поэта-переводчика, чье 110-летие также будет отмечено общественностью в год празднования 580-летия Алишера Навои.

В 2016 г. к 575-летию поэта в г. Москве Центром книги РУДМИНО при финансовой поддержке Благотворительного фонда «Искусство, наука и спорт» был выпущен каталог «Рукописи и литографированные издания произведений Алишера Навои в Московских собраниях», презентация которого прошла и в Ташкенте, в Национальной библиотеке Узбекистана им. А. Навои, на которой выступили видные ученые, литераторы, среди которых был и незабвенный академик-навоиевед Азиз Каюмов: « Более пяти веков гениальные творения Навои, воспевая идеи гуманизма, мира, высокие человеческие чувства, прочно занимают достойное место в сокровищнице мировой литературы. Неповторимый поэтический мир поэта и мыслителя — это синтез общечеловеческих идей, думы и чаяния о счастье. Поэтому не удивительно, что его произведения до сих пор волнуют умы и сердца наших современников. Они стали источником духовной силы, служат нравственным уроком подрастающим поколениям не только Узбекистана, но всех континентов».

**Флора ФАХРУТДИН,
исполнительный директор
Общества дружбы «Узбекистан – Россия»**

**КНИГА – УЧИТЕЛЬ БЕЗ ПЛАТЫ И БЛАГОДАРНОСТИ. КАЖДЫЙ МИГ ДАРИТ ОНА ТЕБЕ ОТКРОВЕНИЯ МУДРОСТИ.
ЭТО – СОБЕСЕДНИК, ИМЕЮЩИЙ МОЗГ, ПОКРЫТЫЙ КОЖЕЙ, О ТАЙНЫХ ДЕЛАХ ВЕЩАЮЩИЙ МОЛЧА. Алишер НАВОИ**

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

“ 2014 – 2017 йилги мавсумлар армиямиз спортчилари учун самарали бўлмади, жумладан халқаро майдондаги мусобақаларда медалларни қўлга киритиш кўрсаткичлари йил сайин пасайиб борди. Хусусан, 2014 йилги спорт мавсумида халқаро майдонда 199 та медалга сазовор бўлган Марказий ҳарбий спорт клуби (МХСК) вакиллари 2015 йилда 160 та, 2016 йилда 127 та, 2017 йилда эса 120 та медални қўлга киритишди. Ваҳоланки, вакилларимиз 2012 йилги спорт мавсумида халқаро мусобақалардан 222 та, 2013 йилги мавсумда 211 та медал билан қайтишганди. Пасайиш сабабларидан бири МХСКда спортчиларнинг авлодлар алмашиш даври сифатида кўрсатилса-да, раҳбарият масалани чуқур ўрганиб, муаммоларни бартараф этишга уринди. Бир қатор мураббийлар алмаштирилиб, спортчиларнинг шуғулланишларига янгидан қўлайликлар яратилди, айниқса, ёшлар учун ўз имкониятларидан фойдаланиш эшиклари очилди.

АРМИЯ СПОРТЧИЛАРИ УЧУН 2014 – 2017 ЙИЛГИ МАВСУМЛАР

2014 ЙИЛГИ МАВСУМ САРҲИСОБИ

2014 йилги спорт мавсуми юртимиз ва умуман, қитъамиз спорти тарихида XVII ёзги Осиё ўйинлари билан муҳрланди. Осиёнинг барча мамлакатлари қатори Ўзбекистон, шу жумладан армия спортчилари ушбу мавсумда асосий эътиборини «қитъа Олимпиадаси»га тайёргарлик кўриш ва унда муносиб қатнашишга қаратишди.

19 сентябрь – 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган XVII ёзги Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини 228 нафар спортчи ҳимоя қилди. Делегациямиз сафидаги спортчиларнинг қарийб учдан бир қисми армия спортчилари бўлди. «Осиёнинг ёруғ келажигини қарши олин» шиори остида ташкил этилган «қитъа Олимпиадаси»нинг тантанали очилиш маросимида давлатимиз байроғини айнан армия спортчиси – дзюдо бўйича икки карра Олимпиада ўйинлари совриндори, икки карра жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби капитан Ришод Собиров стадион узра олиб ўтди.

Ўзбекистон спортчилари XVII ёзги Осиё ўйинларининг 9 та олтин, 14 та кумуш ва 21 та бронза, жами 44 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 11-ўринни эгаллади. Ушбу муваффақиятларга армия спортчилари муносиб ҳисса қўшишди, айниқса, енгил атлетика бўйича баҳсларда эришилган ютуқлар салмоғи юқори бўлди – Ўзбекистон делегацияси ҳисобига ёзилган 7 та (2 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза) медалнинг 6 тасига МХСК енгил атлетикачилари эришишди.

Армия спортчилари 2014 йилги мавсумда мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларнинг жами 872 та медалга сазовор бўлишди. Шундан 281 та олтин, 211 та кумуш, 181 та бронза, жами 673 та медалга мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда эришилган бўлса, 71 та олтин, 55 та кумуш ва 73 та бронза, жами 199 медал халқаро миқёсдаги мусобақалар – жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ўйинлари, нуфузли халқаро турнирларда қўлга киритилди.



2014 – 2017 ЙИЛГИ МАВСУМЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИЙ ЖАДВАЛИ

МХСК	Мамлакат миқёсида (ММ)			Халқаро майдонда (ХМ)			Жами медаллар		
	Олтин	Кумуш	Бронза	Олтин	Кумуш	Бронза	ММ	ХМ	Жами
2014 й	281	211	181	71	55	73	673	199	872
2015 й	308	205	167	66	56	38	680	160	840
2016 й	298	197	193	46	44	37	688	127	815
2017 й	268	189	198	51	28	41	655	120	775
Жами	1155	802	739	234	183	189	2696	606	3302

2015 ЙИЛГИ МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАТИЖАЛАРИ СОЛНОМАСИ

2015 йил МХСК таэквондочиси Дмитрий Шокин (+87 кг) учун олтин мавсум бўлди. Россиянинг Челябинск шаҳрида ўтказилган дунё биринчилигида чемпионликка эришган спортчимиз Москва Гран-присида, июнь ойида Австралияда, август ойида Буюк Британияда ўтказилган халқаро турнирларда ҳам олтин медални қўлга киритди. Ушбу мавсумда МХСКнинг яна уч нафар таэквондочиси халқаро майдондан медаллар билан қайтди: Жасур Бойқўзиёв (87 кг) февраль ойида Туркиянинг Анталия шаҳри мезбонлик қилган халқаро турнирда чемпион бўлди, дунё биринчилиги ва Қатар халқаро турнирида кумуш медални қўлга киритди; Никита Рафалович (74 кг) жаҳон чемпионатининг кумуш, Қатар халқаро турнирининг олтин медалига эгалик қилди; Максим Рафалович эса октябрь ойида Алмати шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ғолибликни нишонлади.

* * *

Қуролли Кучлар хизматчиси Хуршид Тожибоев Қатарнинг Доха шаҳрида ўтказилган бокс бўйича дунё биринчилигида ғолиб чиқди. Мазкур жаҳон чемпионатида қатнашган армия спортчиларидан Муроджон Аҳмадалиев (56 кг) ва Бектемир Мелиқўзиёв (75 кг) кумуш, капитан Элшод Расулов (81 кг) эса бронза медални қўлга киритди.

* * *

МХСК дзюдочиси капитан Ришод Собиров (66 кг) Астана шаҳри мезбонлик қилган жаҳон чемпионати ва Польшада ўтказилган жаҳон кубоги баҳсларида бронза медални қўлга киритди, Туркия Гран-присида эса ғолиб чиқди. МХСК вакили Шерали Жўраев ҳам ўз вазн тоифасида жаҳон кубоги баҳсларининг бронза медални қўлга киритди.

* * *

МХСК вакиллари Вадим Меньков, Герасим Кочнев ва Серик Мирбеков май ойида Германиянинг Дуйсберг шаҳри мезбонлик қилган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон кубоги баҳсларида, сентябрь ойида Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида ғолиб чиқди.

* * *

Енгил атлетикачиларимиздан кичик сержант Леонид Андреев Чехияда ўтказилган «Яблонец гала» халқаро турнирининг ўнкураш баҳсларида ғолиб чиқди, кичик сержант Анастасия Журавлёва эса мазкур турнирда ҳам, сўнг Польшада ўтказилган халқаро мусобақада ҳам уч хатлаб сакраш бўйича кумуш медаллик бўлди.

* * *

Қуролли Кучлар хизматчиси Одилжон Сирожидинов (80 кг) апрель ойида Москва шаҳрида

ўтказилган қўл жанги бўйича жаҳон чемпионатида чемпионликни нишонлади. У ушбу муваффақиятини октябрь ойида қўл жангининг IBF йўналиши бўйича Германияда ўтказилган дунё биринчилигида ҳам такрорлади.

* * *

Универсал жанг бўйича Таиландда ўтказилган жаҳон чемпионати МХСКнинг уч нафар вакили зафар қозонди – майор Бахтиёр Норов (70 кг), кичик сержант Сирожиддин Рўзиёв (80 кг) ва Муродилла Аблоқулов (75 кг) жаҳон чемпиони бўлди.

* * *

2015 йилги мавсумда армия спортчилари мамлакат миқёсидаги мусобақаларнинг 308 та олтин, 205 та кумуш, 167 та бронза, жами 680 та медалга, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда турли халқаро турнирларнинг 66 та олтин, 56 та кумуш, 38 та бронза, жами 160 та медалга сазовор бўлишди.

2016 ЙИЛГИ МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАТИЖАЛАРИ СОЛНОМАСИ

Ўзбекистон ва армиямиз спортчилари учун 2016 йилги спорт мавсумининг энг муҳим воқеаси Бразилияда ўтказилган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари ва XV Паралимпия ўйинлари бўлди. 2013 йил 25 февралда эълон қилинган давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига муносиб тайёрлаш тўғрисида»ги қарори амалга оширилган ишлар учун дастуриламал бўлди ва яқунда жуда катта аҳамият касб этди: илк бор Ўзбекистон терма жамоаси томонидан ёзги Олимпиада ўйинларининг жами 13 та медали қўлга киритилди; оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов олтин медални қўлга киритиш билан бирга ўзбек спортчилари орасида илк марта Олимпиада ўйинлари рекордини янгиллади; бокс бўйича терма жамоамиз илк марта умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида совриндор бўлган юртимиз спортчилари: олтин медал соҳиблари – Ҳасанбой Дўсматов (бокс), Шаҳобиддин Зоиров (бокс), Фазлиддин Ғойибназаров (бокс), Руслан Нурудинов (оғир атлетика); кумуш медал эгалари – Шахрам Ғиёсов (бокс), Бектемир Мелиқўзиёв (бокс, MVSK); бронза медални қўлга киритганлар – Рустам Тўлаганов (бокс), Муроджон Аҳмадалиев (бокс, MVSK), Диёрбек Урозбоев (дзюдо), Ришод Собиров (дзюдо, MVSK), Ихтиёр Наврўзов (спорт курашлари), Магомед Ибрагимов (спорт курашлари), Элмурат Тас-



мурадов (спорт курашлари). XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза, жами 13 та медалига эгалик қилган Ўзбекистон спорт делегацияси 207 давлат орасида 21-ўринни эгаллади.

XV Паралимпия ўйинларида юртимиз спортчилари томонидан қайд этилган натижалар ҳам дунё спорт жамоатчилигини ҳайратга солди – 32 нафар спортчи билан иштирок этган делегациямиз якунда 31 та медални қўлга киритди.

Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Осиё Кубоги баҳслари Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Армиямиз спортчиларидан 8 нафари шохсупага кўтарилди. Вячеслав Горн, Вадим Меньков, Александр Тропин ва Ксения Калинина чемпионликни нишонлаган бўлса, Герасим Кочнев, Серик Мирбеков ва Ольга Умаралиева кумуш, Артур Том бронза медални қўлга киритди. Қуролли Кучлар хизматчиси Екатерина Зарькова эса Францияда ўтказилган жаҳон Кубоги баҳсларида ғолиб чиқди.

Таэквондо бўйича 2016 йилги Осиё чемпионати энг оғир (+ 87 кг) вазнлилар ўртасидаги баҳслари якунида Ўзбекистон Қуролли Кучлари хизматчиси Дмитрий Шокин шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, қитъа чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди ва биринчилигининг олтин медал билан тақдирланди. Филиппиннинг Манила шаҳри мезбонлик қилган қитъа биринчилигидан армиямиз спортчиси Никита Рафалович (74 кг) кумуш, финалга чиқишда рақибига имкониятни бой бериб қўйган Жасур Бойқўзиев (-87 кг) эса бронза медал билан қайтди.

Қуролли Кучлар хизматчиси Иван Ефремов (105 кг) оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида энг юқори натижа кўрсатиб, қитъа чемпиони бўлди.

Хитойда ўтказилган бокс бўйича Осиё чемпионатида капитан Элшод Расулов фақат финалда рақибига имкониятни бой бериб, юртимизга кумуш медал билан қайтди.

Узунликка сакраш бўйича юртимизнинг биринчи рақамли спортчиси кичик сержант Юлия Тарасова Рига шаҳрида ўтказилган «Латвия Президенти Кубоги» баҳсларида энг юқори натижа қайд этиб, халқаро турнирнинг олтин медал билан тақдирланди.

Бельгияда ўтказилган қўл жанги бўйича Европа очик чемпионатида Ўзбекистон Қуролли Кучлари хизматчиси Одилжон Сирожиддинов (80 кг) ҳам қатнашиб, финалгача муваффақиятли етиб борди ва очик биринчилигининг кумуш медалига сазовор бўлди.

Қуролли Кучлар хизматчиси Никита Рафалович Филиппинда ўтказилган таэквондо бўйича Осиё чемпионатида, унинг акаси Максим Рафалович эса Туркияда ўтказилган халқаро турнирда кумуш медални қўлга киритди.

Россияда ўтказилган белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионатида армиямиз спортчиси Файзулла Мунижонов (62 кг) ярим финалда рақибига имкониятни бой бериб, бронза медал билан тақдирланди.

2016 йилги мавсумда армиямиз спортчилари мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларнинг жами 815 та медалига сазовор бўлишди. Бу медалларнинг 298 та олтин, 197 та кумуш, 193 та бронза, жами 688 таси мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритилган бўлса, 46 та олтин, 44 та кумуш, 37 та бронза, жами 127 та медалга халқаро мусобақаларда эришилди.



2017 ЙИЛГИ МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАТИЖАЛАРИ СОЛНОМАСИ

Армиямиз энгил атлетикачиси Дониёр Солиев жаҳон чемпиони бўлди. У Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтган энгил атлетика бўйича дунё биринчилигининг паралимпиячилар ўртасидаги узунликка сакраш баҳсларида энг юқори натижа кўрсатди.

Баландликка сакраш бўйича юртимизнинг энг маҳоратли спортчиси кичик сержант Надия Дўсанова апрель ойида Хитойда ўтказилган Осиё Гран-присида ғолиб чиқди. Уч ойдан сўнг Ҳиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам армиямиз спортчиси энг яхши натижа кўрсатиб, қитъа чемпиони бўлди.

Армиямиз боксчилари Бектемир Мелиқўзиев ва Муроджон Аҳмадалиев апрель-май ойларида пойтахтимизда ўтказилган қитъа биринчилигида ғолиб чиқиб, Осиё чемпиони бўлишди. Мелиқўзиев август ойининг сўнги кунлари Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатидан бронза медал билан қайтди.

Қўл жанги усталаримиз Ильёс Раимов (+90 кг) ва Одилжон Сирожиддинов (80 кг) апрель ойида Москва шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритишди. Ноябрь ойида ўтказилган Осиё чемпионатида эса армиямиз спортчиларидан Беҳзод Нурматов (85 кг) олтин, Равшан Абдулазизов (65 кг) ва Алпомиш Қурбонназаров (75 кг) бронза медалга сазовор бўлишди.

Дзюдо бўйича Осиё Гран-присида армия спортчиси Гулноза Матниёзова (70 кг) ўз вазн тоифаси бўйича беллашувлар ғолибига айланди, Ғиёсжон Бобоев (75 кг) иккинчи, Яхъё Имомов (81 кг) учинчи ўринни эгаллади.

15-17 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Осиё Кубоги баҳслари қаҳрамони армиямиз спортчиси Артур Гулиев бўлди. Каноэда эшак эшиш бўйича 200 метрлик пойганинг яккалик ва жуфтлик, 500 метрлик пойганинг жуфтлик ва тўртликлар ўртасидаги баҳсларида қатнашган Гулиев якунда барча йўналишлар бўйича ғолиблик шохсупасига кўтарилди ва 4 та олтин медал билан тақдирланди. МХСК вакиллари мазкур Осиё Кубоги баҳсларининг 17 та олтин, 5 та кумуш, 3 та бронза, жами 25 та медални қўлга киритишди.

16 – 27 сентябрь кунлари Туркменистон пойтахти мезбонлик қилган Ёпиқ иншоотлардаги спорт турлари бўйича V Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси сафида армиямиз спортчиларининг 14 нафари қатнашди ва уларнинг тенг ярми совриндор бўлди – 4 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медал.

Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича 15-18 октябрь кунлари ўтказилган Осиё чемпионатида армиямиз спортчиси Вадим Меньков бир йўла 4 та медални қўлга киритди. У каноэда эшак эшиш бўйича яккаликлар ўртасидаги 1 000 метрлик пойгада ғолиб чиқиб, Осиё чемпиони бўлди. Жуфтликлар ўртасидаги 1 000 метрлик пойгада эса клубдоши Герасим Кочнев билан кумуш, 200 ҳамда 1 000 метрга тўртликлар ўртасидаги пойгаларда Артур Гулиев, Серик Мирбеков ва Герасим Кочневлар билан биргаликда бронза медалларни қўлга киритди. Армиямиз спортчиси Вячеслав Горн ҳам байдаркада эшак эшиш бўйича яккаликлар ўртасидаги 1 000 метрлик пойгада ғолиб чиқди.

2016 йилги мавсумда армия спортчилари мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларнинг жами 775 та медалига сазовор бўлишди. Бу медалларнинг 268 та олтин, 189 та кумуш, 198 та бронза, жами 655 та медал билан мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритилган бўлса, 51 та олтин, 28 та кумуш, 41 та бронза, жами 120 та медалга халқаро майдонда эришилди.

(Давоми газетанинг келгуси сонларида)

Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»

ДЗЮДО

Тошкент шаҳрида дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (Марказ) вакиллари ҳам қатнашди ва якунда 11 нафари совриндорлар сафидан жой олди.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг етакчи дзюдочилари армия спортчилари ҳисобланади. Келгуси йили пойтахтимиздаги «Хумо Арена» дунё дзюдо юлдузларини ўзида жамлайди ва ушбу жаҳон чемпионатида Марказнинг етакчи дзюдочилари Диёрбек Ўрозбоев (-60 кг), Сардор Нуриллаев (-66 кг), Ғиёсжон Бобоев (-73 кг), Давлат Бобонов (-90 кг), Яхъё Имомов (-90 кг), Муҳаммадқарим Хуррамов (-100 кг), Бекмурод Олтибоев (+100 кг), Диёра Келдиёрова (-52 кг), Амина Мамедова (-57 кг) ва Гулноза Матниёзова (-70 кг) ҳам кўрамиз. Халқаро дзюдо федерацияси (ХДФ) рейтингига Олимпиада йўлланмасига эга зонада жойлашган бу спортчиларга юртимиз мезбонлик қиладиган дунё биринчилигида муваффақият тилаймиз.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг 600 нафардан ортик дзюдочилари иштирок этган бу йилги Ўзбекистон чемпи-

МАРКАЗ БИРИНЧИ

онатида Марказнинг юқорида санаб ўтилган етакчи дзюдочилари иштирок этмади, аксинча иккинчи ва учинчи таркиб вакиллари қатнашди ва шунга қарамай биринчилигининг 4 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза, жами 11 та медалига эгалик қилишди. Эркалар ўртасидаги беллашувлар якунида Марказ аъзоларидан Дилшодбек Баратов (-60 кг), Мухриддин Тилолов (-66 кг) ва Жалолиддин Бойназаров (-73 кг) ғолибликни нишонлаган бўлса, хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда армия спортчиси Ирисхон Қурбонбоева (-78 кг) олтин медални қўлга киритди. Халқаро аренада бой тажриба орттирган ва бир неча марта совриндорлар сафидан жой олган Марказ аъзоси Шерали Жўраева (-100 кг) бу сафар мамлакатимиз бирин-

чилигида ҳам бироз омад етишмади – сўнги ҳал қилувчи беллашувда рақибига имкониятни бой бериб қўйди ва кумуш медал билан кифояланди. Шунингдек, Марказ аъзоларидан Ислол Равшанқулов (+100 кг), Зарнигор Раҳимиддинов (-52 кг) ва Хосият Машарипова (+78 кг) финалгача муваффақиятли беллашиб, Ўзбекистон чемпионатининг кумуш медални қўлга киритди. Раҳимжон Сувхонов (-66 кг), Артём Штурбабин (-66 кг) ва Дилола Дехкамбаева (-48 кг) эса ўз вазн тоифаси бўйича баҳслар якунида биринчилигининг бронза медалига сазовор бўлишди.

Р. ЭРМУҲАММАД



Жўра ФОЗИЛ

БОЙҚУНҒИР ЛОЛАЛАРИ

(ҚИССА)

IV ЖИЙДА ГУЛЛАГАНДА

Бу қайсидир ароқзада генералнинг маст-аласт буйруғи эдими ёки мақтанчоқлигим, билмайман. Май ойининг ўрталарида биринчи рота аскарлари кўч-кўронни кўтариб, машиналарда бир кеча-кундуз тўхтовсиз йўл босиб, Сирдарёнинг овлоқ соҳилига етиб келдик. Соҳилдаги жийдазорлар чунонам қийғос гуллаган эдики, дарёдан эсаётган эпкинга қўшилган муаттар ҳид кишини маст этарди. Ҳозир ҳам ўша кунларни эсласам, димоғимда жийда гули ҳидини туйгандек бўламан.

Биз, қўлига ҳатто болта ушламаган аскарлар, катталар ва уларнинг болалари учун ёзги қўналға барпо этишимиз керак экан. Бизни шу ишга йўллаган бошлиқ ҳар қанча ароқзада бўлмасин, аскарларнинг эмас, балки ўз фойдасига «адашар», янада аниқроқ айтадиган бўлсак, «билмасанг – ўргатамиз, истамасанг – мажбур қиламиз» шиорининг ғоят ширин ижроси эди, бу. Начора, армияда буйруқлар муҳокама этилмайди. Ҳатто, улар аҳмоқона бўлса-да. Берилган буйруқнинг ҳам аҳмоқона эканлиги тезда билиниб қолди.

Соҳилда 8-10 кишилик чодирлар тиклаб, жойлашиб олдик-да, ишга киришмоқчи бўлдик. Лекин иш қаерда дейсиз? Болта топилса, мих топилмас, мих топилса, ёғоч йўқ эди. Устига-устак, орадан уч кун ўтиб, ўзимиз билан олиб келган қоқ нон ва консервалар тугагач, оч қола бошладик. Қисмимиз неча юз чақирим олисда, алоқа қилишнинг иложи йўқ, олиб келган машиналар ўша кунидек ортига қайтганди.

Офицерлар алоҳида чодирга ўрнашиб олиб, дарёдан лаққа балиқ овлаб, ароқхўрлик қилишарди. Бу шўрликлар қисмининг инжиқ командирлари ва улардан ҳам инжиқроқ хотинларидан вақтинча қутулганларига шукур қилар эдилар. Биз ҳам Бойқунғир ҳудудини вақтинча бўлса-да, тарк этганимиздан шод эдик.

Улар пиширган балиқ шўрваннинг хушбўй ҳиди соҳилни тўлдирар, очлик азоб бераётган аскарлар дарёнинг лойқа тўлқинларига тикилиб, паловхонтўра, тухумбарак, нўхат шўрва ва яна аллақандай тансиқ таомлар тўғрисида хаёл сурардилар. Командирларимизни хасисликда айблаб бўлмас, 5-6 кишига мўлжаллаб пиширилган шўрвани юз кишига етказишнинг сира иложи йўқ эди.

Чўнтагида озроқ пули, ҳаётий тажрибаси бўлган аскарлар темир йўл бекатига қатнаб, амаллаб қорин тўйдирар эдилар. Лекин аксарият аскарларда пул ҳам, тажриба ҳам йўқ эди. Уруш тугаганидан сўнг, 4-5 йил ўтиб туғилган бизнинг авлод очликнинг ҳақиқий башарасини билмасди. Бу ерда унинг машъум қўланкаси бус-бутун намоён бўлди. Ҳамма жой тўкин-сочин паллада оч қолиш жуда ёмон бўларкан. Орамизда бўйи икки метрга яқин, бир ўтиришда 4-5 кишининг овқатини туширадиган россиялик азамат йигитлар кўп эди. Уларнинг очликка чидаши, айниқса, қийин бўлди. Бечоралар жийдазорларни ағдар-тўнтар қилиб, юмронқозиқ тутиб олардилар-да, янтоқ оловида «кабоб» пишириб, пок-покиза туширардилар.

Хайриятки, ҳар қандай тубан одамлар орасида ҳам бир-ярим инсофлиси учраб туради. Рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант Ежов шундай одам экан.

У бир неча кундуз темир йўл бекатида қолиб кетиб, озроқ макарон топиб келди ва дарёнинг лойқа сувида қайнатиб, бизни сийлади. Лекин лейтенантнинг яхши ният билан қилган иши бизни баттар азобга қўйди. Йигитлар ёппасига қоринларини чангаллаб қолдилар. Жуда аҳволи ёмонлашганларни лейтенант ароқ билан даволашга мажбур бўлди.

Охир-оқибат, очликдан силласи қуриб, серрайиб қолган болалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, темир йўл бекатига туташ, Хархут номи билан аталадиган қозоқ овулига қатнай бошладилар. 10-12 пахса уйдан иборат ночор, қашшоққина овул юздан ошиқ аскарларни баҳоли-қудрат боқа бошлади.

Соҳилдаги ҳаётимизнинг учинчи ҳафтасида эслаб қолишди чамаси, кунларнинг бирида, офтобботар маҳал қисмдан озиқ-овқат ортилган машина келди. Кабинада қип-қизил юзлари ароқ зарбидан бужмайган, чўмичдек бурни кўкрагига тегай-тегай деб турган маст-аласт интендент хизмати капитани армани Бабаян ўтирарди. Уни кўриб, кўнгилларимизга ёқилган чирок сўнгандек бўлди. Чунки аскарлар нонини туя қилувчи энг катта каламуш шу муттаҳам эканини ҳаммамиз яхши билардик. Лекин туя қилинган бўлса-да, ўз нонингга нима етсин? Капитаннинг буйруғи билан машинадан нон, мой, бошқа озиқ-овқатларни бир зумда туширдик. Энг охирида бир қути ароқни офицерлар чодирига элтиб қўйдик. Кейинчалик етиб келган миш-мишларга қараганда, лаънати Бабаян бизга тегишли озиқ-овқатларнинг ярмидан кўпини йўл-йўлакай сотиб, пулини чўнтакка урган, командирларимиз оғзини мойлаш учун бир қути ароқ олиб келган экан.

Шундан сўнг, аскарнинг нони кўр қилгур Бабаян ва командирларимиз яна икки кеча-кундуз кўз очмай, ароқхўрлик қилдилар. Биз ҳам овқатдан қорнимиз тўйганига хурсанд эдик.

Мен жийда гуллари ҳидига фарқ бўлган соҳилда соатлаб ўтириб, бўтана тўлқинлардан кўз узмасдим. Баъзан дарё ёқалаб узоқ-узоқларга кетардим. Сир соҳилининг бетакрор гўзаллигига энди ошно бўлаётган эдим.

Сахармардонда ҳаммадан олдин уйғониб, оқимга қарши бир чақиримча йўл босиб, дарёнинг бурилиш ерига етиб олардим-да, тик қирғоқда тарвақайлаб ўсган қари жийда остидаги тошга ўтириб, қуёш чиқишини томоша қилардим.

Бу пайтда ҳаво жуда мусаффо, ҳаммаёқ сокин, сатҳида майда тўлқинлар югургилаётган дарё жимир-жимир оқиб ётарди. Уфқ аввал ложувард, сўнг қонталаш тус олиб, тўлқинлар ол рангга бўялар, каттакон қизил олмадек қуёш сув узра секин-аста кўтарила бошларди. Бу манзарага махлиё бўлиб, соҳилда чошгоҳгача қолиб кетардим.

Тонгда ғойиб бўлишларимни ротада ҳар ким ҳар хил баҳолар, кўпчилик қорин тўйдиргани Хархутга кетган, деб ўйларди.

Кунларнинг бирида, қари жийда тагига энди ўрнашиб олган ҳам эдимки, лейтенант Ежов келиб қолди. У, афтидан, мен билан изма-из келганди. Истар-истамас ўрнимдан турдим.

– Салом бердик, ўртоқ оддий аскар! – деди у қўлини чаккасига олиб бориб.

Индамадим.

– Хўш, – деди Ежов, – бу ерда нима қилаётганингни билсам бўладими?

– Бўлади, – дедим мен. – Қуёш чиқишини томоша қиляпман.

– Ахир, қуёш чиқишини чодир ёнида томоша қилсанг ҳам бўлади-ку! Бунинг устига, лагерни рухсатимизсиз тарк этишинг ҳарбий интизомни бузиш ҳисобланади, – деди сиёсий ишлар бўйича ўринбосар.

– Майли, интизомни бузган бўлсам, жазоланг, – дедим жойимга қайтиб ўтирар эканман.

– Қўйсанг-чи, гап сени жазолашда эмас, фақат ҳар тонг йўқолиб қолишинг мени ажаб-лантирди. Энди билсам, табиат ошиғи экансан. Тўғриси айт, шоир-поир эмасмисан, ишқилиб, – деди лейтенант жилмайиб, ёнимга келиб ўтирар экан.

– Ҳозирча шоир эмасман, лекин шоир бўлиш ниятим бор.

Ежов «уф» тортди. Иккимиз ҳам бир муддат жим қолдик. Дарёдан энгил шабада эсар, нариги соҳилдан қўй-қўзилар маъраши эшитиларди.

– Эҳ, агар билсанг, мен ҳам бир вақтлар бинийдек шеърлар ёзар эдим. Айримлари газетада ҳам босилган. Кейинчалик, турмуш ташвишлари билан бўлиб, ҳаммасини йиғиштирдим. Шеър ёзиш билан тирикчилик ўтказиб бўлмас экан. Уйландим, хотин, бола-чақа, рўзғорнинг қора қозони аста-секин юрагимдан шеъриятни сиқиб чиқарди, назаримда. Агар билсанг, рус аёли дунёда энг бардошли, энг жафокаш аёллардан. Лекин шундай нусхалари ҳам учраб турадики, нақ аждарҳонинг ўзи. Ана ўшандайи пешонангга битса, шўринг қуригани, қасдингни ароқдан олаверасан ва қарабсанки, қирққа кирмай, адоий тамом бўласан, – деди лейтенант овозида чексиз армон билан.

У 30-32 ёшлар чамасидаги, оқ-сарикдан келган чайир йигит эди. Фақат, ич-ичига ботган кўзлари ниҳоятда ғамгин, кенг пешонасига эрта ажин тушганди.

Шу тонг иккимиз узоқ суҳбат қурдик. Лейтенант Сергей Есенин, Александр Блок ва Анна Ахматованинг шеърларини ёддан айтиб берди. Айниқса, Ахматованинг «Мен сева оламан» шеърини айтаётганида мовий кўзлари ёлқинланиб, овози титраб кетди.

– Сен бахтлисан, – деди у елкамга қўл ташлаб, – Шарқ – шоирлар юрти. Шарқ шеърияти – буюк шеърият. Сирасини айтганда, Бухоро ва Тошкентда яшаб, шоир бўлмаслик мумкин эмас. Эртаксимон юртингда мен бир неча бор бўлганман.

Қуёш дарё юзини мунаввар этган, биз соҳил ёқалаб секин-аста одимлардик.

– Тонгги сайрларингга расман рухсат берилди, деб ҳисоблайвер, – деди Ежов қўналғага етиб келганимиздан сўнг ва бироз тараддудлангач, чодирга кириб кетди.

Ежовнинг рухсатидан руҳланиб, сайру саёҳатларни тағин ҳам авж олди. Соҳилнинг яқин беш-ўн чақирим атрофдаги мен бормаган бурчаги қолмади.

Кунларнинг бирида эски қабристонга бордим. Янтоқ босган паст-баланд қабрлар оралаб узоқ тентирадим. Гувиллаб шамол эсар, қабрлардан аллақандай сас келарди: «Ҳой, ўғлон, сен бу ердан нима изляяпсан? Қўй, бусиз ҳам чирқираётган руҳимизни безовта этма!»

«Йўқ, йўқ, – фикран жавоб қайтардим мен.

– Руҳингизга ҳурмат бажо келтиргани келдим-ку!»

Мени ваҳима босди, бу ердан тезроқ кетгим келди. Дарё анча олисда, ярқираб кўзни қамаштириб турарди. Қадамни тезлатдим. «Ҳой, ўғлон!», «Ҳой, ўғлон!» дея гувиллаган овоз ҳамон таъқиб этар, аллақим қуваётгандек эди.

Дарё томонга янада тезроқ югура бошладим. Бирдан гувиллаш ҳам, чорлаётган овоз ҳам тинди. Олисда чанг-тўзон кўтарилиб, мен томонга қуюндай ела бошлади. Дахшатли ҳайқирик, дупур-дупурлар еру кўкни остин-устун қилиб юборди. Оёқни қўлга олиб, дарё томонга югура бошладим. Негадир дарё мени бу балодан халос қилади, деб ўйлардим.

Қанча югурдим, билмайман, бир маҳал дупур-дупур жуда кучайиб, от кишнагани эшитилди. Угирилиб қарасам, мени таъқиб этаётган қора қуюн – йилқи уюри экан. Сал ўзимга келдим, «Ҳар қалай, ажина, арвоҳ эмас, отлар экан-ку!»

Уюр тиккасига дарё томон елмоқда эди. Энди дарё томон югуришдан тўхтаб, шимолга қараб



ЖАСОРАТ ЛАВҲАЛАРИ

чопа бошладим. Бир неча дақиқадан сўнг, оппоқ чанга бурканган уюр эллик қадамча наридан елдек ўтиб кетди-ю, қумлоқ соҳилга ёйилиб, сув ича бошлади.

Чанг-тўзон тарқаб, уюр ортидан келаётган, қош-киприкларигача оппоқ гард қўнган отлик кўринди. Менинг сувотдан тез узоқлашаётганимни кўриб, узун қамчиси билан «Тўхта!» ишорасини қилди. Тўхтадим, отлик яқинлашгач, эгардан тушди. Салом бердим. Отлик, 65 – 70 ёшлар чамасидаги қозоқ чол алик олди-ю, жилмайди.

– Ҳа, ширағим, кўрқиб кетдингми? Қўрқма, йилки одамни босмайди.

Чол хуржундан кичкина сопол кўзача, пиёла олди-да, унга оппоқ сутдай суюқлик қуйиб, менга узатди:

– Иш, ширағим, шубат. Туя сутидан.

Муздай ичимликни ҳузур қилиб симирдим. Ўзимизнинг айронга ўхшаб кетаркан. Пиёлани қайтариб, чолга миннатдорчилик билдирдим. У шубатдан ўзиям бир пиёла симирди-да, саволга тутди:

– Ўзбекмисан?

– Ҳа.

– Ўзбекистоннинг қаеридансан?

– Бухороданман.

– Ҳа, Пухорданмисан, Пухор яхши шаҳар дейишади. Ҳеч бормаганман. Ўзи мен Хархутдан бошқа жойни кўрмаганман, ширағим, – деди чол овозида аллақандай надомат билан. У билан хайрлашиб, изимга қайтдим.

* * *

Ниҳоят, 10-майдончадаги амалдорлар бизни бу ерга юбориб, хато қилганларини узил-кесил тушуниб етдилар, шекилли, қисмдан чопар келди ва йўл тарадудини кўра бошладик.

Жўнаб кетиладиган кун арафасида, тушдан кейин соҳилнинг ўзимга қадрдон бўлиб қолган гўшаларини кезиб чиқиб, тик қирғоқдаги ўша қари жийда остидан туриб, дарёни сўнгги марта томоша қилмоқчи бўлдим.

...Қуёш аёвсиз қиздирар, иссиқ гармселдан кўнгил беҳузур бўларди. Жийда остига етиб келиб, бироз дам олдим, дарёдан эсаётган шамолга кўксимни тутдим. Гимнастёрка жиққа ҳўл, баданимга ёпишиб турарди.

Дарё сатҳи шубат билан сийлаган чолнинг сержанин юзига ўхшар, қуёш нури сон-саноксиз олтин тангачаларга бўлиниб, майда тўлқинлар елкасида оқиб кетарди.

Бу манзарага маҳлиё бўлиб, узоқ ўтирдим. Сўнгра бирдан аллақандай ваҳима чулғаб олди-ю, қулоғимга яна ўша қабристондаги сингари ғалати товушлар эшитила бошлади. «Ҳой, ўғлон, биз сенга руҳимизни безовта қилма, деган эдик-ку!»

Кўнглим ғашланиб, атрофга алангладим. Ҳеч ким кўринмайди. Бирдан, тўрт-беш қадам нарида тартиб билан тахлаб қўйилган кийим-бошга кўзим тушди. Сесканиб кетдим. Дарёда чўмилаётган одам кўринмасди. Беихтиёр, кийимлар томонга қадам ташладим. Униққан фуражка, калта англи лейтенант погонли гимнастёрка, камар, шим, бошмоқлар... Кийимлар лейтенант Ежовники эди. Кўнглим ёмон бир нарсани туйиб, баданим увишди. Тўрт томонга югуриб, Ежовни излай бошладим. «Ўртоқ лейтенант! Валентин Александрович! Қаердасиз, Валентин Александрович?» бор овозда бақирардим мен. «Ўзи эрталабдан буён кўринмаётувди. Мен Хархутга кетдими, деб ўйлабман», деди у довдираб.

Тезда бутун рота оёққа қалқди. Бир неча соат мобайнида чор атрофдаги тўқайзору чакалакзорларни қадам-бақадам кезиб чиқдик. Ежовнинг ўзи тугул, изи ҳам йўқ эди. Йигитлар соҳил ёқалаб, сувга тикилганларича, узоқ-узоқларга бориб келдилар. Хархутдан моторли қайиқда етиб келган қозоқ йигитлари дарё камарларини, нариги соҳил ёқаларини кезиб чиқдилар. Бефойда.

Қоронғи тушди. Кўзларим жиққа ёш, ўз чодиримга қайтар эканман, қулоғимга ўша машъум товуш эшитилди:

«Йиғлама, бекорга бўзлама, ўғлон! Сен излаган йигит аллақачон чўкиб кетди. Унинг руҳи поки биз томонга парвоз этаётир. Ҳа, биз томонга парвоз этаётир!..»

(Давоми газетанинг келгуси сониди)

ШЕРҲУРАК РАЗВЕДКАЧИ

(ВОҶЕИЙ ҲИКОЯ)

Хат ташувчи Абдулла аканинг қўлига ҳаяжон ила конверт тутқазди.

– Сизга Украинанинг Николаев шаҳридан хат келди.

– Николаев шаҳридан? Наҳотки...

Почтачи йигитнинг ҳаяжони беихтиёр Абдулла акага кўчди. Ахир бу шаҳар унинг учун ўзининг Янгийўлидек азиз ва қадрдон. Уни немис-фашистларидан озод қилишда озмунча воқеаларни, жангу жадалларни бошидан ўтказганми.

Абдулла ака шошганча конвертни очди ва хатни ўқий бошлади:

«Ҳурматли ўртоқ Қурбонов. Ватан уруши йилларида ўғлингиз Қурбонов Алексей Абдурахмонович бизнинг қисмимизда хизмат қилган. Мардлиги ва жасурлиги учун унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилган. Биз ўғлингизнинг жасоратини ифодаловчи варақа чиқаришга ҳозирлик кўряпмиз. Шунинг учун унинг расмини (ҳар қандай бўлса ҳам майли) юборсангиз.

Нашр этилган варақани унинг порлоқ хотираси сифатида Сизга юборамиз. Хизматингиз учун олдиндан ташаккур билдирамиз.

Майор Колпаков».

Ҳаяжондан қўллари бир оз қалтираган кўйи хат ўқиб турган Абдулла аканинг юраги шувиллаб кетди. «Наҳотки мени ҳалок бўлган деб ўйлашган бўлса. Тўғри, қанчадан-қанча одам жон таслим қилган, қанчаси минаю бомбаларда парчаланиб кетган. Бунинг устига мен урушнинг охиригача хизмат қилолмадим. Балки ўша даҳшатли олишувдан сўнг қисмга қайтиб бормаганлигим учун...»

* * *

Қиш қаҳратони борлиқни забтига олган. Совуқ, зах ва пўпанак ҳиди келиб турган блиндажда (*ер ости истеҳкоми*) разведкачилар бўлажак операцияни муҳокама қилишмоқда. Мақсад – қисмни тинмай ўққа тутаетган душман ДЗОТининг (*яширин ўқ отиш нуқтаси*) унини дўчириш, асосий ҳужумга ўтиш учун маълумот бера оладиган «тил» келтириш. Буни амалга ошириш борасида Абдулла ва унинг олти дўсти узоқ фикрлашишди, режа тузишди. Бир тўхтама келгач, йўлга тайёргарлик бошланди, граната ва ўқ-дорилар етарлича олинди.

Блиндажга рота командири капитан Рашчупкин кириб келди. Жангчилар баравар оёққа турди.

– Мухим сафарга тайёرمىсизлар? – разведкачиларни кўздан кечирав экан, сўради у.

– Худди шундай, ўртоқ капитан, – жавоб қайтарди йигитлар.

– Унда оқ йўл!

Разведкачилар душман ракетаси шуъласига тушмаслик учун эҳтиётлик ила олға интилишди. Ҳар қадамда хавф мавжуд. Жангчиларнинг фашистлар пистирмаси ёки минасига дуч келиши ҳеч гап эмас. Эмаклаган кўйи, хушёрлик билан ҳаракат қилаётган йигитларнинг иши ўнгидан келди, ҳеч қандай тўсиққа дуч келишмади. Икки соатдан сўнг қалин бутазор орасига етиб боргандагина бағирларини ердан кўтариб нафас ростлашди. Шу пайт чап томондан арранинг овози келди.

– Узбечёнок, – Абдуллани чақирди гуруҳ бошлиғи. Қисмда энг ёши ва уддабуриси бўлгани учун Абдуллани ҳамма эркалатиб «Узбечёнок» дерди. – Бориб билиб кел-чи, нима экан.

Абдулла буталар орасидан товуш келган томонга эмаклаб кетди. Кўп ўтмай дарахтлар орасида яланглик кўринди. Хира чироқ ёғдусида сарой ва унинг ёнида турган усти ёпиқ машина кўзга ташланди. Атрофида «Ўлик бошлар» деб ном чиқарган фашистлар гуруҳи изғиб юрарди.

Қонхўрлар машинадан қўли боғлиқ уч кишини турткилаб олиб тушди-да, сарой ичкарасига судради.

Абдулла ортига қайтди ва кўрганларини гуруҳ бошлиғига етказди.

– Аскарлар кўпми? – сўради у.

– Биздан уч баробар кўп.

Бир оздан сўнг арра товуши тинди, машина моторининг овози келди. Разведкачилар сарой томонга эмаклашди. Ялангликда машина йўқ, демак, босқинчилар қайтиб кетган. Сарой эшиги эса берк.

– Саройга кирамиз. Икки киши бизни муҳофаза қилиб шу ерда қолади. Қолганлар менинг ортимдан боради. Фақат эҳтиёткорликни унутманг.

Икки жангчи муҳофаза учун қолди. Йигитлар эмаклаганча ҳар томондан саройга яқинлаша бошлади. Абдулла ҳар доимгидек олдинда. Ҳозирча фашистлар кўзга ташлангани йўқ. У сарой эшигига етиб боргач, қулоқ тутди, сас-садо йўқ. Аста эшикни очиб ичкарига кирди-ю, шу заҳоти «вахшийлар, вахшийлар», дея ранги оқарганча ортига қайтди. Бу орада қолганлар ҳам етиб келди.

– Нима гап? – сўради гуруҳ командири.

Қалтираб турган Абдулла ўзининг ҳолатига қандай изоҳ беришни билмас, қўли билан сарой ичига имо қиларди.

Бошқа разведкачилар ҳам ичкарига кирди-ю, ўша заҳоти қути учганча қайтиб чиқди. Сарой ўртасида тахта тиладиган арра ўрнатилган бўлиб, бутидан аррага солиниб иккига бўлинган мурдалар худди саржиндек тахлаб ташланганди. Саройга кирган кишининг димоғига куйган суяк, сасиган гўшт ва қон хиди урилар, ўткир хид кўнгилни ўқчитарди.

Тушкун кайфиятда шериклари олдида қайтган разведкачилар манзилга етиб боргунча миқ этишмади. Даҳшатли ҳолатдан юраклари ўйилгандек оғрир, вужудлари қақшар, фашистларга бўлган нафрати чексиз эди. Навқирон ёшдаги Абдулла ўзини тутолмас, сафдошлари билан душман ДЗОТининг орқа томонига етиб боргунча ҳам хушини йиғолмасди.

– Жангга ҳозирланинг, гранаталар тайёрлансин! – буюрди гуруҳ командири. Унинг овози қалтирар, саройдаги даҳшатли воқеа таъсири сезилиб турарди. – Гранаталар отилсин!..

Фашистларнинг гунгур-гунгури эшитилиб турган ДЗОТда чинқирик ва инграшлар эшитилди. Алам, нафрат ва қасос ўтида ёниб турган разведкачилар уларнинг устига бостириб борди. Уч фашист чўзилиб ётар, шериклари уларнинг тепасида мурда рангида қўлларини кўтарганча қотиб турарди.

(Давоми кейинги сонда)

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»



ОГОҲЛИК

ҚЎЛБОЛА УСКУНАЛАРДАН ФЙДАЛАНМАНГ!

« Қишнинг совуқ кунларида хизмат ва яшаш хонадонларини иситиш мақсадида айрим ҳарбий ва ишчи хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари турли хил қўлбола, ностандарт электр қурилмалари ёки ускуналаридан фойдаланадилар. Нега?

Жавоб оддий. Қисқа вақт ичида тегишли хонани иситиш, арзон ва тез топиладиган жиҳатлари инobatга олиниб, қўлбола электр спирал ускунаси (печка)дан фойдаланилади. Унинг давлат стандартига жавоб бермаслиги, махсус техник ҳужжати, устки қисмида махсус ҳимоя қопламаси йўқлиги, кўп электр токини сарфлаши, таг қисми ҳамда электр узатиш симларининг ускуна билан улаш жойлари очиқлиги аксарият ҳолларда эътиборсиз қолади. Бу ҳол эса қанчалар аянчли оқибатларни олиб келиши, моддий ва маънавий зарар келтириши мумкин. Аммо сўнгги пушаймон ўзингга душман!

Унутманг! Одамлар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги ёки билиб туриб, уларга амал қилмаслиги сингари совуққон муносабатлар оқибаотида турли даражадаги ёнғинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Яшаш уйлари ва хизмат жойларида ёнғинлар келиб чиқилишининг олдини олиш мақсадида белгиланган ёнғин хавфсизлиги талабларининг тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун барчамиздан жавобгарлик ҳамда эҳтиёткорлик ҳиссини ошириш талаб этилади.

Подполковник Зокир КЕНЖАЕВ,
Тошкент гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи

Эслатма

Дунёда бир йилда...
содир бўлувчи ёнғинлар сони ≈ 7-8 млн
ҳалок бўлганлар сони ≈ 85-90 минг киши
жароҳатланганлар ≈ 600-800 минг киши
ҳалок бўлган ўт ўчирувчилар ≈ 500 киши

« Ёнғин хавфсизлиги қоидаларидан хабардор бўлиш орқали биз нафақат ўзимизнинг, балки яқинларимиз, сафдош дўстларимизнинг ҳам хавфсизлигини таъминлаб, моддий зарарларнинг олдини олган бўламиз.

УМУМИЙ ВАЗИФАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги «Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида ёнғин содир бўлганда ҳаракат қилиш тартиби ҳам белгиланган. Унга кўра, ҳар бир фуқаро ёнғинни сезганда қуйидагиларни бажаришга мажбур:

– зудлик билан «101» телефон рақами орқали Фавқулodда вазиятлар вазирлигининг ёнғин-қутқарув бўлинмасига хабар бериш (хабарда воқеа содир бўлган манзил, ёнғин чиққан жой ва ўзининг исми-шарифини айтиш);

– одамларга хабар бериш ва уларни эвакуация қилиш чораларини кўриш;

– имкон қадар мавжуд ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан ёнғинни ўчириш чораларини кўриш.

Унутманг, қонунни билмаслик бизни жавобгарликдан озод этмайди!

Подполковник Жаҳонгир ЖУМАНАЗАРОВ,
Жиззах гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

КАСАЛНИ ДАВОЛАГАНДАН КЎРА

« Инсон саломатлигини сақлашда соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бугунги пандемия шароитида касалликлар профилактикасига алоҳида эътибор қаратиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тўғри овқатланишнинг саломатликка фойдасини тарғиб этиш шифокорларнинг олдида турган асосий вазифалардан биридир.

САЛОМАТЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ
МУҲИМ ОМИЛ

«Тарбиянинг ажратиб бўлмайдиган таркиби – жисмоний тарбиядир», дея таъкидлаган тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино.

Ҳа, ҳаёт ҳаракатдан иборат. Инсон ҳаракат орқали шаклланади, такомиллашиб боради. Демак, инсон саломатлиги доимий равишда ҳаракатда бўлиш билан боғлиқ. Спортни бежиз саломатликни таъминловчи муҳим омил, дея эътироф этишмайди. Спорт инсоннинг руҳан ва жисмонан етук бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Спорт билан шуғулланганларнинг организми яхши чиниқади, мускуллари тез чарчамайди. Нерв-эндокрин, юрак-қон томир, нафас олиш ва бошқа ҳаётий муҳим аъзолар ҳамда тўқималарнинг иш фаолияти ортади. Энг асосийси, организмнинг юқумли касалликлардан ҳимояланиш иммунитетни кучаяди. Спорт билан мунтазам шуғулланишга вақти йўқлар пиёда юриб ҳам организмга ёрдам бериши мумкин.

ИНСОН УМРИНИ ЁН ЙИЛГА
УЗАЙТИРАДИ

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, узоқ умр кўриш сирлари борасида олимлар томонидан турли хил изланишлар олиб борилмоқда. Натижаларга

кўра, спорт билан шуғулланиб, тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиб, фаол ҳаёт тарзини олиб борганлар тўғри овқатланиб, аммо кам ҳаракат қиладиган инсонларга нисбатан тезроқ натижага эришадилар. Фойдали одатлар, жумладан, жисмоний машқларни мунтазам бажариш ва соғлом овқатланиш инсон умрини ўн йилга узайтириши мумкин. Инсон соғлиғи учун бешта асосий хавф бор. Улар: чекиш, алкоголь истеъмол қилиш, ёғ ёки қандни кўп ейиш билан боғлиқ носоғлом овқатланиш, кам жисмоний фаоллик ва ортиқча вазн. Соғлом турмуш тарзига риоя қилиб, узоқ умр кўраман, дейдиганлар шу хавфлардан узоқда бўлгани яхши.

КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ

Ҳозир қиш фасли. Бу мавсумда инсонларда грипп ва шамоллашга мойиллик ортади. Агарда тумов бўлган бўлсангиз, табиати айбламанг, сабаб елвизак, оёқнинг ҳўл бўлиб қолиши ёки ҳавонинг кескин совиб кетишида эмас, унинг асл келиб чиқиш сабаби иммунитетингизнинг пасайиб кетганидир. Шунинг учун грипп ва шамоллашга қарши курашишда иммунитетни рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш муҳим аҳамият касб этади. Бундай вақтда беморга

тиниқиб дам олиш, кўп суюқлик ичиш тавсия қилинади. Антибиотиклар фақат иккиламчи бактериал касалликлар мавжуд бўлгандагина буюрилади.

Шамоллаш бошланишидаёқ тез оёққа туриш учун нималар қилиш керак?

1. Тумовдан қутуламиз. Бунинг учун бурунни тузнинг кучсиз эритмаси ёки мойчечак дамламаси билан ювишни бошлаш керак. Ушбу тадбир вируснинг бурун шиллиқ қаватларига ўрнашиб олиши ва чуқурроқ кириб кетишига йўл қўймайди.

Хонанинг ҳавоси ҳаддан ташқари қуруқлашиб кетмаслиги учун хонага идишга сув солиб қўйинг. Инфекция тарқалмаслиги учун эса хонани тез-тез шамоллатиб туринг.

2. Томоқни даволаймиз. Томоқни вақти-вақти билан фурацилин ёки мойчечак дамламаси билан чайқаб тураемиз. Ёки қуйидаги усулда аралашма тайёрлаймиз: 1 чой қошиқ туз, 1 чой қошиқ сода ва 3-5 томчи йод.

3. Йўтални даволаймиз. Бунда энг ишончли восита – эвкалипт, оқ қарағай ва чой дарахти эфир ёғлари ёки маврак, қизилпойча ва зубтурум каби доривор ўтлар билан ингация қилиш. Асал қўшилган ўтли чойлар ёки оддий сувни илиқ ҳолда ичиш ҳам яхши самара беради.

Тиббий хизмат подполковниги
Дилноза УБАЙДУЛЛАЕВА,
Мудофаа вазирлиги Марказий
поликлиника бошлиғи ўринбосари



40-модда.

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

РЕГБИ

«ЖАСОРАТ»НИНГ ИРОДАЛИ ҒАЛАБАСИ

“ Регби-15 бўйича анъанавий мудофаа вазири Кубоги учун очиқ чемпионат якунланди. Мусобақанинг гуруҳ босқичида Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлигининг жами ўнта жамоаси иштирок этиб, 5 тур натижасига кўра ярим финал йўлланмаси учун кураш олиб борди.

Ўтказилган учрашувларда рақибларига нисбатан кўпроқ очко тўплаган Шарқий ҳарбий округнинг «Жасорат», Тошкент ҳарбий округининг «Лочин», Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш (ОСНР) маркази, Миллий гвардия терма жамоаси финал йўлланмаси учун ўзаро баҳслашишди. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўйингоҳида бўлиб ўтган ярим финал учрашувларида «Жасорат» жамоаси ва Мудофаа вазирлиги ОСНР маркази жамоасининг кўли баланд келди.

Финал учрашуви Мудофаа вазирлиги ОСНР маркази базасида бўлиб ўтди. Ҳал қилувчи баҳснинг тантанали очилиш маросимида бу йилги очиқ чемпионатда қатнашган барча жамоалар саф тортди. Унда мудофаа вазири генерал-майор Баҳодир Қурбонов ва Ўзбекистон Олимпия қўмитаси президенти Рустам Шоабдураҳмонов сўзга чиқиб, мамлакатимизда спорт соҳасида эришилаётган ютуқлар, шу жумладан Мудофаа вазирлиги тизимида ўтказилаётган мусобақаларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтдилар. Шундан сўнг майдонга финалчилар чиқиб келди.

Кўпчилик кутганидек, баҳс жуда муросасиз ва шиддатли курашларга бой бўлди. Жамоалар галма-галдан ҳисобда олдинга ўтиб, пешқа-



дамликни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилди. Дастлаб Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази жамоаси жарима зарбаси орқали 3:0 натижаси билан олдинга чиқиб олди. Кўп ўтмай рақиб жамоа бунга муносиб жавоб қайтарди. Муваффақиятли уриниш ва мазкур уриниш учун белгиланган қўшимча жарима зарбасидан кейин «Жасорат» ҳисобни 7:3 кўринишига келтирди. Бутун ўйин давомида ҳисобда бир у жамоа, бир иккинчи жамоа унчалик катта бўлмаган фарқ билан олдинга борди. Ўйин тугаши арафасида 20:16 ҳисобида олдинда бораётган Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази жамоаси гўеки чемпионлик тақдири ҳал қилиб қўйганди. Аммо ҳакамнинг финал ҳуштаги янграшига бир дақиқа қолганда «Жасорат» ҳақиқий жасорат кўрсатди. Аввалига Фурқат Назаров беш очколик уринишни амалган оширган бўлса, Руслан Матқурбанов ана шу уриниш учун белгиланган қўшимча жарима зарба билан жамоасига икки очко келтирди.

Шундай қилиб, Шарқий округнинг «Жасорат» жамоаси регбичилари ўтган йилги чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди. Рақибни устидан сўнги дақиқаларда иродали ғалаба қозонган «Жасорат» кетма-кет иккинчи марта, 2014 йилдан буён эса бешинчи марта мазкур мусобақанинг ғолиблигини қўлга киритди. Бир кун аввал 3-ўрин учун бўлиб ўтган ўйинда «Лочин» жамоаси Миллий гвардия терма жамоасини йирик ҳисобда мағлуб этди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида ғолиб ва совриндор жамоалар ташкилотчилар ҳамда ҳомийлар томонидан муносиб тақдирланди. Мудофаа вазири Кубоги учун очиқ чемпионат ғолибига Кубок, медаллар, диплом, 10 миллион сўм пул мукофоти, телевизор ва эсдалик совғалар топширилди. Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази жамоаси регбичилари иккинчи ўрин соҳиби сифатида кумуш медал, диплом, 5 миллион сўм пул мукофоти ва телевизор билан тақдирланди. Шунингдек, мусобақада шахсий ва жамоавий йўналишларда ҳам турли номинация ғолиблари махсус кубоклар билан тақдирланди.

Ички ишлар вазирлиги жамоаси «Энг чиройли ўйин кўрсатган жамоа», Миллий гвардия вакили катта лейтенант Шохруз Зиқиров «Энг яхши ҳужумчи», Марказий ҳарбий округ жамоаси шарафини ҳимоя қилган контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Аҳрор Мирзаалиев «Техникаси юқори ўйинчи», Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округда хизмат бурчини ўтаётган кичик сержант Фазлиддин Бахтиёров «Энг яхши ҳимоячи» сифатида очиқ чемпионат лауреатлари бўлди.

3-ўрин учун: «Лочин» – Миллий гвардия терма жамоаси – 27:0.

Ярим финал: «Жасорат» – Миллий гвардия терма жамоаси – 35:9; Мудофаа вазирлиги ОСНР маркази – «Лочин» – 11:8.

Финал: «Жасорат» – Мудофаа вазирлиги ОСНР маркази – 23:20.

Асрор РЎЗИБОЕВ, «Vatanparvar».
Музаффар МАЖИДОВ,
мусобақа бош котиби



АГАР ИНСОН ЙИҚИЛГАНИДАН СЎНГ ЯНА ЎРНИДАН ТУРСА, БУ – ФИЗИКА (ЖИСМОНИЙ КУЧ) ЭМАС, БУ – ХАРАКТЕРДИР. Майк ТАЙСОН

НОВЫЕ ВОЕННЫЕ РАЗРАБОТКИ



В Сербии прошли заключительные испытания боевого робота «Милос» (Milos), предназначенного для участия в спецоперациях и ведения разведки. Длина новой боевой тех-

ники 1,7 м, ширина 0,8 м, высота 0,9 м, масса 20 кг и скорость передвижения 7 км/ч. На робот устанавливается боевой модуль с пулеметом калибра 7,62 мм и боезапасом на 500 патронов, а также оптико-электронная камера с 30-кратным увеличением, тепловизор с цифровым четырехкратным увеличением и лазерный дальномер. Аппарат рассчитан на транспортировку в прицепе или багажнике внедорожника.

В Республике Корея прошли ходовые испытания первой построенной в стране дизель-электрической подводной лодки (ДЭПЛ) типа KSS-3, названной в честь борца за независимость «Ан Чханхо». В ходе тестирования главным образом проводились проверки двигательных систем и рулевого оборудования. Подводная лодка имеет длину 83,5 м, ширину 7,7 м, водоизмещение в подводном положении около 3 800 тонн. Силовая установка обеспечивает максимальную скорость 20 узлов под водой и 11 узлов в надводном положении. Дальность плавания около 18 500 км при скорости 8 узлов. ДЭПЛ оснащена семью 533-мм торпедными аппаратами и шестичлечной установкой вертикального пуска крылатых ракет.

В Германии завершились испытания вертолета NH-90 «Си Лайон» («Морской лев»), модифицированного по заказу национальных ВМС на базе вертолета NH-90NFH (NATO Frigate Helicopter). На новый вариант вертолета установлены специальное навигационное оборудование, новая система «свой-чужой» и два штатных пулемета калибра 12,7 мм. NH-90 «Си Лайон» предназначен для противолодочной и противокорабельной борьбы, ведения разведки на море, проведения



поисково-спасательных операций, выполнения транспортных операций и материального обеспечения фрегатов и судов обеспечения. По плану командования ВМС Германии, в период до 2022 года флот должен получить 18 машин данного типа.

Специалисты научной лаборатории Гарвардского университета создали сверхминиатюрный летающий аппарат RoboBee X-Wing массой менее 1 грамма, выполненный в виде насекомого. Свой полет он совершает за счет энергии миниатюрных солнечных батарей. По утверждениям специалистов, такой беспилотный летательный аппарат сможет выполнять задачи мониторинга окружающей среды и выявления зон с экологическими проблемами. Не исключается возможность его использования в военных целях в качестве средства скрытой доставки биологического оружия.

В распоряжение Вооруженных сил Франции поступили первые многоцелевые броневые автомобили типа VBMR (Vehicule Blinde Multi-Roles) «Грифон» (колесная формула 6 x 6), которые призваны заменить устаревшие бронетранспортеры типа VAB (4 x 4), состоящие на вооружении уже более 40 лет. VBMR, который имеет максимальную снаряженную массу 24,5 тонн и может перевозить до десяти полностью снаряженных пехотинцев, вооружен новым дистанционно управляемым боевым модулем с пулеметом калибра 12,7 мм или 7,62 мм либо 40-мм автоматическим гранатометом. Предполагается, что до 2030

Военно-морские силы США приняли на вооружение новый беспилотный вертолет MQ-8C «Файр Скаут», предназначенный в основном для ведения морской разведки. Как заявили представители ВМС, вертолет будет дислоцироваться на борту кораблей прибрежной зоны и, возможно, на авианосцах. «Файр Скаут» способен находиться в воздухе до 12 часов, транспортировать грузы массой до 320 килограммов. Дальность полета составляет 278 километров. Согласно плану командования, первый дальний поход на корабле MQ-8C совершит в 2021 финансовом году, который начался 1 октября 2020-го.

В Швейцарии прошли успешные испытания учебного самолета с электродвигателем, который провел в воздухе 1,5 часа. Он создан на базе чешского легкого двухместного самолета «Бристелл NG5» с поршневым двигателем. В ходе работ на него были установлены аккумуляторные батареи, новая система управления и электромотор с трехлопастным воздушным винтом изменяемого шага. Длина нового учебного самолета 6,5 м, размах крыла 8,1 м, максимальная взлетная масса 850 кг при грузоподъемности в 200 кг.

Военно-морские силы США приняли на вооружение новый беспилотный вертолет MQ-8C «Файр Скаут», предназначенный в основном для ведения морской разведки. Как заявили представители ВМС, вертолет будет дислоцироваться на борту кораблей прибрежной зоны и, возможно, на авианосцах. «Файр Скаут» способен находиться в воздухе до 12 часов, транспортировать грузы массой до 320 килограммов. Дальность полета составляет 278 километров. Согласно плану командования, первый дальний поход на корабле MQ-8C совершит в 2021 финансовом году, который начался 1 октября 2020-го.

Подготовил П. САЙДИВАЛИЕВ

9 КУНДА 100 МЛРД ДОЛЛАР



Америкалик тадбиркор Илон Маскнинг Tesla компанияси S&P 500 индексига киритилишига ҳали 2 ҳафта бор бўлса-да, охириги 9 кун ичида 100 миллиард долларга қимматлашди. Nasdaq'нинг хабар беришича, компаниянинг умумий қиймати 600 млрд доллардан ошди.

Натижада Илон Маскнинг бойлиги 152,9 млрд долларга етган. У дунёнинг энг бой одамлари рўйхатида 185 млрд долларга эга Amazon раҳбари Жефф Безосдан кейин 2-ўринни эгаллаб келмоқда.

МЕРКЕЛ – ЭНГ НУФУЗЛИ АЁЛИ



Forbes нашрининг 2020 йилда дунёнинг энг нуфузли 100 аёли рейтингида Германия канцлери Ангела Меркел етакчилик қилмоқда. Эътиборлиси, Меркел ушбу унвонга қаторасига 10 йил сазовор бўлмоқда.

Рейтингнинг етакчи учлигида Европа марказий банки раҳбари Кристин Лагард ва АҚШнинг бўлғуси вице-президенти Камала Харрис ҳам киритилган.

4-ўринни Еврокомиссия президенти Урсула фон дер Ляйен, 5-ўринни миллиардер Билл Гейтснинг рафиқаси Мелинда Гейтс эгаллаган.

5 КИШИ ҲАЛОК БЎЛДИ



Франция шарқидаги Савойя департаментида бортида 6 киши бўлган вертолёт ҳалокатга учради. Воқеа оқибатида 5 киши ҳалок бўлган. Департамент вакилининг хабар беришича, мамла-

кат навигация хизматида тегишли вертолёт бортида ушбу хизматнинг 4 ходими ва 2 қутқарувчи бўлган. Учувчи фалокат ҳақида сигнал беришга ва катапульта қилишга улгурган. У ҳозир оғир аҳволда.

Вертолёт бортидаги одамларни қидиришга турли хизматларнинг 40 дан кўпроқ ходими жалб этилган. Мутахассислар авиаҳалокат сабабларини тергов қилишга киришиб кетишган.

БУ ҚИЗИҚ

ТУРЛИ МАМЛАКАТ БОЛАЛАРИ ТАРБИЯСИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИК

“ Фарзанд ўстирар эканмиз, улар тарбиясига жиддийроқ эътибор қаратишимиз керак. Турли халқларнинг миллий анъанаси бўлганидек, тарбияда ҳам ўзига хос ёндашувлари мавжуд. Ушбу мақоламизда турли миллатларда кичкинтойларнинг вазифалари ҳақида сўз юритамиз.

ЯПОНИЯ: ҚИРОЛДЕК МУОМАЛА

Кунчиқар мамлакат аҳолиси фарзандлари тарбиясига жиддий қарашади. Бу ерда ҳар бир ёшга нисбатан маълум бир муносабатда бўлинади. Япон руҳшуноси Масара Ибукининг фикрига кўра, болага асосий тарбияни 3 ёшгача бериш лозим. Айнан шу ёшга қадар фарзанддаги яширин иқтидорни юзага чиқариш мумкин. Японияликлар 5 ёшгача бўлган кичкинтойга қиролдек муомала қилишади. Улар истаганларича ўйнашлари, миясига келган ишни қилишлари мумкин. Ҳаттоки, болалар боғчаларида фломастер билан деворга тўйгунларича чизишлари учун махсус хоналар мавжуд.

Ота-оналар фарзандларини ўйинчоқлар ва ортиқча кийим-кечак билан сийлашмайди. Улар кўпинча ака-опаларидан қолган кийимларни кийишади. Болаларда атроф-муҳитга бўлган меҳрни шакллантириш мақсадида табиат инъомлари билан ривожлантирувчи ўйинлар ўйнашга ҳаракат қилинади.

5 ёшдан 15 ёшга қадар кичик японияликларни тартиб-интизомга ва катталар гапини икки қилмасликка ўргатишади. 15 ёшдан сўнг эса ўсмирларга тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида қаралади.

ХИТОЙ: ЭНГ ҚАТЪИЙ КУНДАЛИК ТАРТИБ

Хитойлик болаларнинг кундалик ҳаёти оғир. Мазкур мамлакатда 3 ёшдан бошлаб болалар тарбиясидаги асосий нарса камтарлик ва итоаткорликдир. Боғча ёшидан бошлаб ҳар бир бола катталарнинг айтганларини сўзсиз бажаришлари зарур. Болаларнинг кун жадвали ота-оналари томонидан соатма-соат қилиб белгилаб берилади ва бу жадвал йиллар давомида ўзгармайди. Бола 4-5 ёшга тўлганида, ота-онаси унга уйдаги вазифаларини ҳам белгилаб беради. Ота-оналар фарзандлари учун ўйинчоқларни ўзлари танлайдилар, бўш вақтларини қандай ўтказиш кераклигини белгилаб берадилар. Уларни камдан-кам ҳолларда мақтайдилар, мабодо гап қайтаргудек бўлсалар, қаттиқ жазолайдилар.



ФИНЛЯНДИЯ: АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ ТАҚИҚИ

Финляндия дунёдаги энг болажон мамлакат, десак, янглишмаган бўламиз. У ерда жисмоний имконияти чегараланган болалар оддий боғча ва мактабларга боришади. Ушбу мамлакатда ногирон ва соғлом болага ажратиш қабул қилинмаган.

Фин жамиятида ота ва она фар-



65-модда.

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

зандига бирдай масъулдир. 18 ёшга қадар боланинг алкоголь ичимликлар истеъмол қилиши ёки тамаки чекиши тақиқланади. Шунга қарамай, улар жамиятнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланади ва ўз ҳаётларига доир қарорларни ўзлари қабул қиладилар.

ГЕРМАНИЯ: ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИНТИЗОМ

Мазкур мамлакатда болалар ривожига 3 ёшдан бошлаб катта эътибор берилади. Оналар ўз фарзандларини бошланғич босқичда ҳафтада бир марта, каттароқ бўлганларида бир неча марта махсус ривожлантириш гуруҳларига олиб боришади. Мақсад, жамоа бўлиб ўйнаш, ўзаро мулоқотга ўргатишдир. Бола махсус гуруҳларга боргандан сўнггина уни болалар боғчасига беришади. Чунки фарзанднинг боғчага кўни-киши осон кечади ва болалар бу ерда ўзларини эркин ҳис қиладилар.

Немислар фарзандларига ёшлигиданоқ тежамкорлик, интизомли бўлишни, атроф-муҳитни муҳофаза этишни, одоб-ахлоқни ўргатишади. Болаларнинг кичик ёшида телевизор кўришга рухсат берилмайди ва иложи борида 20.00 да ухлашга ётқизишади.

Германияда 9 ёшга кирмаган болани уйда ёлғиз қолдириш мумкин эмас. Шу сабабли оналар ярим ставкада ишлашга ёки энага ёллашга ҳаракат қилишади.

ШВЕЦИЯ: БАҒРИКЕНГЛИК ВА ЎЗГАГА ҲУРМАТ

Швецияда болаларга шакланган шахс сифатида қарашади. Уларнинг ҳам ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор. Шунингдек, шведлардаги бағрикенглик, ўзгага, унинг қарашларига, маданияти, дини, ирқига нисбатан ҳурматда ва сабрли бўлиш, агарда инсоннинг бирор-бир жисмоний ёки руҳий камчилиги бўлса, унга тенг муносабатда бўлиш болаликданоқ ёш авлод онгига сингдирилади.

Болани фаол, ўз фикрини билдирадиган, мустақил, олдига қўйган мақсадига эришадиган инсон сифатида тарбиялашга ҳаракат қилинади. Ота-онанинг фарзандига қўл кўтариши, бақриши, бир нарса сўраса, тунтирмаслиги уларнинг тарбиясизлиги ва қонун олдида жавоб бериши лозимлигини билдиради.



С. МАМИРЖАНОВА тайёрлади.

КОМПЬЮТЕРЛАР СОВҒА ҚИЛИНАДИ



Туркменистон давлат ахборот агентлигининг хабар беришича, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов биринчи синф ўқувчиларига янги йил совғаси сифатида мамлакатда ишлаб чиқарилган компьютерларни тўхфа этиш топширигини берди. Хабарда айтилишича, Бош вазирнинг таълим ва фан масалалари бўйича ўринбосари Мамметмират Гелдиниязов давлат раҳбарига Agzybirlik tilsimaty корхонаси биринчи синф ўқувчиларига мўлжалланган компьютерларни ишлаб чиқаргани тўғрисида ҳисобот берган. Таълим дастурлари ўрнатилган компьютер туркман, рус ва инглиз тилларида ишлайди.

ҚИРҒИЗИСТОН ЧЕГАРАЛАРИНИ ОЧДИ



Қирғизистон барча мамлакатлар фуқаролари учун чегараларини очди. Коронавирус пандемияси сабабли киритилган чекловлар олиб ташланганлиги тўғрисида Қирғизистон ТИВ маълум қилди. Йўловчилар самолётга чиқишда 72 соатдан кўп бўлмаган муддат ичида коронавирусга топширган тести натижасини кўрсатишлари лозим.

Агарда парвоз давомийлиги ёки рейс кечикиши туфайли тест натижасининг муддати ўтиб кетган бўлса, у ҳолда фуқаро яна бир марта тест топшириши шарт.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЧИГИРТКАДАН ҲИМОЯЛАНИШ МАҚСАДИДА



Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон манфаати учун «Чигиртка назоратини такомиллаштириш тўғрисида (II босқич)» лойиҳасини ишга туширди. Бу ҳақда БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (FAO)нинг Ўзбекистон FAO ваколатхонаси «Дарё»га маълум қилди. Минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ушбу лойиҳа семинарлар, ахборот ва тажриба алмашишни ўз ичига олади. Лойиҳа қиймати – 7,5 миллион доллар.

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

МУНОСИБ ҲИССА



Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси йилдан йилга тобора намоён бўлмоқда. Турли соҳалардаги юксалишлар ҳар биримизни қувонтиради, янада унумли меҳнат қилишга, изланишга руҳлантиради. Ёшларимизнинг Ватанга муҳаббатли, жасур ва довюрак инсонлар бўлиб етишишларида кўплаб ўқув муассасаларининг ҳам ўрни бекиёс. Жойлардаги «Ватанпарвар» ташкилотлари ҳам ўз фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этиб, юрт равнақи ва унинг камолоти йўлида самарали ишларни амалга оширмоқда.

2020 йилда ташкилот фаолиятини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш доирасида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Янгиариқ тумани ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) жамоаси аъзолари ёшларни ижтимоий, фойдали ҳамда оммавий ватанпарварлик ишларига жалб этиш мақсадида бир қатор тадбирларни бажардилар.

– Яқунланаётган йилда туманимиз ёшлари республика ва вилоят миқёсидаги спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди, – дейди ЎСТК бошлиғи Равшанбек Пирметов. – Ҳозирги кунда ёш спортчилар спортнинг техник ва амалий турларидан ҳаво милтиғидан ўқ отиш, ёзги биатлон ҳамда картинг каби муҳим турлари бўйича юқори натижаларга эришмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, ўз поёнига етаётган жорий йилда ташкилот катта самарадорликка эришди.

Ҳайдовчилар тайёрлаш бўйича яхши натижалар кўрсатилиб, «В», «ВС», «С» ҳамда «Е» тоифали ҳайдовчилар тайёрлаш режаси муваффақиятли уддаланди. Бундай натижага эришишда ташкилот ўқитувчи ва амалий бошқаришни ўргатувчи-усталарининг ҳам тинимсиз меҳнати, қолаверса, етарли шарт-шароитлар, замонавий русумдаги ўқув автомобиллари билан таъминланганлиги муҳим омил бўлди.

Яқунланаётган йилда ЎСТК жамоаси ҳам юрт равнақига ўз ҳиссаларини қўша олди. Тилагимиз, ана шундай жўшқинлик Сизни кириб келаётган янги йилда ҳам тарқ этмасин, азиз янгиариқлик «Ватанпарвар»чилар!

Акбар АЛЛАМУРОДОВ



Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Янгиариқ тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси мамлакатимиз тинчлиги ва чегараларимиз дахлсизлиги учун матонат билан хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларни, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида фаолият олиб бораётган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ходимларини ҳамда барча юртдошларимизни кириб келаётган Янги – 2021 йил билан чин дилдан муборакбод этади.

Янги йилда омад, бахт-саодат доимо ҳамроҳингиз бўлсин!





YANGI O'RTAQ (HIROYA)

Yangi uyimiz uchta keng, yorug' xonalardan iborat. Oldida balkoni bor. Eski divanimizni balkonga qo'yib oldim. Yozda dumalab, kitob o'qib yotaman. Dam olish kuni zerikib, divanni u yoq-bu yoqqa surayotgandim, buvim:

- Hoy, Murod, nega indamaysan? - deb goldilar. - Eshikka chiq, birov chaqiryapti.

Chiqsam, sepkil yuzli, baqaloq bir bola. Menga qarab iljaydi. Basharasi tanish, tavba, qayerda ko'rganman? E, bo'ldi, bu anovi kelgan kunimiz ko'chimizni tashishib yuborgan qo'shnimizning o'g'li. Oti Mirkomil edi, shekilli. To'g'rimizdagi uyda turishardi. Uni uyga taklif qilgandim.

- Yur, shaharni aylantirib kelaman, - dedi. Uyga kirib, buvimdan so'rab chiqdim.

Yangi shaharning yangi ko'chasidan Mirkomil bilan pildirab boryapmiz. Yo'l asfalt, tosh. Unda munda qum-shag'al uyumlari. Ishchilar ko'chani tozalash bilan ovora. Shovqin-suron xuddi Toshkentdagidek. Qayerdadir motor gurillaydi. Olsida ko'tarma kranlarning havoga sanchilgan xartumi dam egilib, dam ko'kka pishqiradi. Uch-to'rt kishi yo'l yoqasiga ko'chat ekyapti. Hamma narsaga mahliyo bo'lib boryapman, ammo Mirkomil tamom beparvo. Allaqachon hammasini ko'rib ulgurgan-da. Shuning uchun bo'lsa kerak, «Qalay, qoyilmi?» degandek dam-badam menga qaraydi. Ko'cha boshiga yetib qolganda:

- Qara, - dedi Mirkomil qo'limdan ushlab, - bizni chaqiryaptilarmi?

Sal narida uvoqqina bir chol iljayib turardi. Yonida kattakon qop. Mirkomilning tanishi shekilli, deb unga qaradim, u esa, bir nima demoqchi bo'lib, menga o'g'irilgan ham ediki, chol imladi.

Oldinma-keyin yugurib bordik. Ota bizga qarab:

- Bo'tam, shuni ko'tartirib yuboringlar, - dedi.
- Xo'p, bo'ladi, qani, Mirkomil! - deb do'stinga ishora qildim.

Ichiga tosh solinganmi, bilmadim, rosa og'ir ekan. Inqillab-sinqillab ikki kishi arang qopni yerdan uzgan edik, Mirkomil qo'yib yubordi. Qop «tap» etib yerga tushdi.

- Chol yoniga o'girildi, savol nazari bilan qaradi:
- Ha, bo'tam?

- Qo'ying, ota, - dedi Mirkomil, - uyingiz olis emasmi?

- Yo'q, bo'tam, jila uzoq emas.

- Siz yo'l boshlang, - dedi Mirkomil yeng shimarib, - o'zimiz olib borib beramiz.

Chol ikkilanib bir Mirkomilga, bir menga qaradi:

- Shundog'mi, mayli, bo'tam. Umringdan baraka top. Chol yo'l boshladi. Mening bo'lsa ensam qotdi. «Bu chol buvangmi, tanish-bilishingmi, menga-ku baribir, yaxshi ko'ringing kelsa, belingni qiyshaytirib o'zing ko'tarib ketaver, mening nomimdan korchalonlik qilib nima qilasan?» dedim ichimda. Mirkomil esa, qovog'idan qor yog'ilib:

- Ha, nimaga qarab turibsan, ushla! - dedi.

Ana xolos. Shuncha qilg'ilikni qilib qo'yib, zardasi nimasi-a? Voy surbet-ey! Shunaqa odamlarni ko'rsam-chi, tavba, gap topib berolmay dovdirab qolaman. Hozir ham shunday bo'ldim.

Indamay qopning bir tomonidan ko'tardim. Yo'lda Mirkomil qoqilib ketib tizzasini qirib oldi. Xuddi alamini mendan olmoqchi bo'lgandek, qopni bir silkigan edi, oyog'imga tushib boshmaldog'imni ezib yubordi. Xullas, bir-birimizni yeb qo'ygudek bo'lib, manzilga yetib keldig-u, cholning duosini ham eshitmay qochib qoldik.

Mirkomil yo'lda to'xtab tizzasini ishqaladi.
- Qoyilman, - dedim boshmaldog'imni ushlab.
- Ha?!

- Boshmaldoqni yeding-a. Yaxshilikka yomonlik deb shuni aytadi-da.

Mirkomil birdan to'xtadi-da, qo'llarimni mahkam ushlab yuzimga tikildi:

- Nima? - dedi qoshlarini chimirib. - Yana bitta qaytar, nima deding?

Uning baqrayib turganini ko'rib, yana gap topib berolmay qoldim.

- E, bor-e, - dedim o'zimni tutolmay, - tanishingning qopini ko'tarib, gunohkor bo'ldimmi?

Mirkomil birdan bo'shashdi. Ko'zlarini g'alati piriptirdi-da:

- O'ylab gapir, - dedi sekin, - nega mening tanishim bo'larkan? O'zingning tanishing-ku!

- Ana xolos, - deb yubordim, - seni imlab chaqirdi-ku!

- Hech-da. Nega meni bo'larkan? Seni!

Bunday aniqlab ko'rsak, chol uning ham, mening ham tanishim emas ekan. Mirkomil nima deyishini bilmay, tizzasini uqaladi. Men esa yana dovdirab:

- Cholni ko'rib, buvam deb yurgan ekanmiz-da, - dedim.

Ancha yo'lgacha jim ketdik.

- Menga qara, - dedi bir mahal Mirkomil, - sening buvangmi, menikimi, baribir emasmi-a! Axir, kimningdir tanishi-ku! Nima deding?

- Rost, - dedim yengil tortib. Negadir hozir yuragimda qaynab turgan g'azab birdan so'ndida, hatto boshmaldog'imning og'rig'ini ham sezmay qoldim. Mirkomilga ham o'zining aytgan fikri yoqib ketib iljaydi.

- Yur, - dedi, - endi shaharni aylanamiz.

Ikkalamiz bo'lgan voqeani unutib, xursand, xushchaqchaq shahar aylangani ketdik.

L. MAHMUDOV

MATEMATIKA OLAMI



TENGDOSHLARINGIZ IJODIDAN



Munisa JO'RAYEVA, Yakkasaroy tumanidagi 144-maktabning 8-sinf o'quvchisi

Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

ОБУНА – 2021

«VATANPARVAR» gazetasi nashr kўrsatkichi – 114

«Ўзбекистон армияси» журнали nashr kўrsatkichi – 1273



– Биз «VATANPARVAR»ни
танладик. Сиз-чи?

БИР ЧИМДИМ

Агар, ота-оналар меҳнат қилаётган бир пайтда, фарзандлар кайфу сафо билан банд бўлса, билиб қўйингки, уларнинг набиралари тиланчилик қилади.

Япон мақоли

БИЛАСИЗМИ?

Тўртта ярим ой, ҳар бирида яна тўрттадан тешикча. Тўртта ярим ойни тўртта тошга банди қилдим. Банди бўлгунча тўртта тош қон йиғлади. Чунки тўртта тошнинг жони бор. Бу жумбоқда нималар ва қандай юмуш назарда тутилган?

Жавоб: Ота така, мих, түк, отта така, кочипш.

БИЛАСИЗМИ?

«Ҳозирги маданият оламида миллатнинг ўз ҳуқуқини сақлаш шарафи унинг қурол кучигагина боғланмишдир. Шунга кўра, Ватан болалари олдимиздаги келажак кунларни эскариб, замонавий илм ўқишга чин кўнгиллари билан киришиб, ҳалол мерос ўз Ватанларини эгаллаш учун мудофаа қуввати тайёрлашга тиш-тирноқлари билан ёпишсинлар». Бу кимнинг даъвати эди?

Жавоб: Алихонтура Соғу-ий.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

«Энг яхши китобхон ҳарбий оила» билан танишинг

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир

вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Тўлқин Жуманазаров

Навбатчи:

катта лейтенант Азиз Норқулов

Саҳифаловчилар:

лейтенант Рамиз Валиев
Нодирабегим Валиева

Мусахҳихлар:

Зебо Сариева
Сайёра Мелиқўзиева
Муаттар Мелиева

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юридик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёмлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нўқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Буюртма: г-1262.

Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.

Адади: 30 244 нусха.

Босишга топшириш вақти: 14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акция-дорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.